БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 7 март Чоршанба № 46 (13.482). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Иқтидорли ёшларни излаймиз

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси В. И. Романовский номидаги математика институтида «Улуғбек номидаги иқтидорли ёшлар ва мураббийларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси»нинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда Ўзбекистон ССР ФА математика,, химия институтлари, Ўрта Осиё «Агрохимия» ассоциацияси, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент Давлат дорилфунуни ва пойтахт политехника институти, «Ўзбекгеология»га қарашли Гидрогеология ва муҳандис геологияси институтлари ташаббускор бўлишди.

Мазкур йиғилишда олимлар, фан ва маданият намояндалари 50 дан ошиқ давлат, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тадбир фидойилари қатнашдилар.

Жамоатчи мухбиримиз Назиржон МАМАДАЛИЕВ йиғилиш қатнашчилари билан суҳбатлашди.

Т. Ж. ЖЎРАЕВ, Ўзбекистон ССР ФА ҳақиқий аъзоси, математика институти директори, ташаббускор группа раҳбари.

— Назаримда бугунги кун талаби — бу қобилиятли ёшларни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлашдир. Чунки истеъдодли ёшлар ва уларнинг мураббийларини нафақат танлаш, балки уларнинг изланишларини амалга ошириш учун ҳам мана шундай хайрия жамғармаси керак. Халқ фидойи, жонкуярларидан иборат ташаббускор гуруҳ мана шундай савобли ишга қўл урди. Хабарингиз бўлса керак, Ўзбекистон ССР Нозирлар Кенгаши президиуми ҳам жумҳуриятда иқтидорли болалар учун ихтисослашган мактаб-интернатлар очиш масаласини муҳокама қилди. Ўйлайманки, бугунги тадбир ҳам, айнан муҳокама қилинган масалага амалий жавобдир. Шу боисдан ҳам истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш зарур. Халқимиз орасида иқтидорли ёшларни танлаб, уларнинг оёққа туришида, ўзи қодир соҳанинг ҳақиқий эгаси бўлишида кўмаклашиш айнан шу жамғарманинг бош вазифаларидан биридир.

А. Т. ЖАЛИЛОВ, Тошкент политехника институти ректори, профессор.

— Ўз вақтида бошланган тадбир бўлди бу. Уни қўллаб-қувватлайман. Нега, дерсиз? СССР ФАнинг ҳақиқий аъзолари орасида жумҳуриятимиздан биронта ҳам вакил йўқ. Ахир заминимиз жаҳонга машҳур сиймолар Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, ибн Сино, Улуғбек, Навоий каби даҳоларни яратган-ку.

Бу савобли иш амалда анча олдин бошланган. Институтимизнинг радиоэлектроника ва химия факультетлари қошида 20 нафар иқтидорли ёшларни бириктирган махсус группалар ташкил этилган. Уларга билимдон мураббийлар дарс беради. Ҳозир у ёшлар шу факультетларнинг юқори курс талабалари билан ҳам бемалол баҳслаша олади. Биз бундан буён ҳам мактабларда иқтидорли ёшлар орасида кўрик, олимпиадалар ўтказиб, юқори баҳо олганларни институтимизга кириш имтиҳонларисиз қабул қилишни давом эттираверамиз.

У. У. УМАРОВ, «Ўзбекгеология»га қарашли гидрогеология ва инженерлик геологияси институти директори, профессор.

— Мақтовга лойиқ иш бўлибди. Ёшим 50 дан ошганда, бундай савоб ишда илк маротаба қатнашишим. Жамғарманинг Устав лойиҳаси бешинчи бандида шундай дейилади: «Ўзбек ва бошқа тилларда махсус мутахассисликлар бўйича ўқув китоблари, ўқув ва методик қўлланмаларни яратишда, мактаб ва олий ўқув юртларининг етакчи ўқитувчиларини, мураббийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш».

Ҳақиқатан жамоат ташкилоти истеъдодларни танлаб, уларга кўмаклашиб, керак бўлса, рағбатлантириши зарур. Афсуски, шу кунгача кўпчилигимиз ўз халқимиз тарихини билмаймиз, мукаммал ёзилган манбалар ҳам йўқ. Мана шундай зарур ва фойдали ишларни тезроқ амалга оширишда жамғарманинг роли яна ҳам ортади.

С. С. ҒУЛОМОВ, Тошкент халқ хўжалиги институти ректори, ЎзССР ФА мухбир аъзоси.

— Талантли ёшлар назардан четда қолса, улар «нобуд» бўлади, Аксарият ёш олимлар илмий ишларни давом эттиришда бир қатор муаммоларга, моддий қийинчиликларга дуч келмоқда. Мана шундай вақтларда жамғарма керакли миқдорда моддий ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олди. Уларнинг ихтиролари ишлаб чиқаришга жуда секин, баъзи вақтларда умуман тадбиқ қилинмасдан келинарди. Ушбу жамғарма орқали марказий шаҳарларда таҳсил олаётган ҳамюртларимизга ҳам, уларни илм-фан билан тўла шуғулланишларига кўмаклашиб, шароит яратиш мумкин.

З. ИСРОИЛОВ, «Ниҳол» илмий маркази директори, физика-математика фанлари номзоди.

— Марказимиз томонидан амалга оширилган баъзи ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим деб топдим. «Ниҳол»нинг вазифа ва мақсадлари ҳам жамғарма фаолияти билан уйғунлашиб кетади. Масалан, жумҳурият ёш математиклар ва физиклар мактаб-интернати очилганига қарийб 20 йил бўлди. Тан олиш керак, мазкур маскан обрўсига анча путур етди. Бунинг сабабларидан бири давлат томонидан ушбу даргоҳга ажратилаётган маблағнинг қандай мақсадларда фойдаланилаётгани билан қизиқилмаётибди. Бу биздаги хўжасизликнинг кичик бир кўриниши холос.

Б. Б. РИХСИЕВ, Ўзбекистон ССР ФА математика институти етакчи илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди, жамғарма ташкилотчиларидан биридир.

— Иқтидорли ёшларни қандай танлаш мумкин? Агар биз уларни қўллаб-қувватлашга қатъий аҳд қилган ташкилот борлигини маълум қилсак, уларнинг ўзлари бизни излаб топади. Бундан бир неча йил муқаддам, «Ёш куч» журналида «Аниқ Фанлар академияси» ташкил этилган эди. Бу академия мана тўрт йилдирки, жумҳуриятимизда математика, физика, химия фанлари бўйича сиртқи олимпиадалар олиб бормоқда. Мингдан ортиқ ўқувчилар билан алоқа ўрнатганмиз.

Жамғарма маблағлари ҳақида ўтган йили шогирдим Фарҳод Самадов билан биргаликда бошланғич синф ўқувчилари учун карра жадвалини мукаммал ўрганишга ёрдам берадиган ўйинчоқ ўйлаб топдик. Жумҳуриятимиз ва Иттифоқимизнинг бир неча шаҳарлари мактаб ўқитувчилари ва айнан кичик дўстларимиз билан учрашиб, шу ўйинчоқ ҳақида маслаҳатлашганимизда, улар ихтирони маъқуллашиб, уни тезроқ амалга жорий этишни сўрашди. Ҳозир Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Технолог» ширкати бу ўйинчоқни ишлаб чиқаришни бошлади. Жорий йилда мазкур ўйинчоқдан 1 миллион дона тайёрланиб, мактаб ўқувчиларига етказиш чоралари кўрилмоқда.

Ихтиро муаллифлари — профессор С. Усмонов етакчилигидаги группа ўз улушларини (юз минг сўм) жамғармага биринчилардан бўлиб қўшишга аҳд қилдилар.

Жамғармадаги маблағлар, асосан иқтидорли ёшларнинг ақлини чархлашга, ўз мутахассисликлари бўйича ўзбек тилида китоблар, ўқув қўлланмалари яратишга, бошқа тиллардан таржима қилишга, ноёб қобилиятли ўқувчилар, талабаларга қўшимча стипендиялар жорий этишга ҳамда мураббийларни моддий рағбатлантиришга ва бошқа мақсадларга сарфланади.

Жамғарма ҳақида кўплаб яхши фикр-мулоҳазалар билдирилди, таклифлар айтилди. Жамғарма Уставига баъзи ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилди. Бир сўз билан айтганда халқимиз, ҳамюртларимизнинг истеъдодли ёшларни ўқувчилик давридан, то униб-ўсгунча эътиборга олиб, уларга кўмаклашувчи жамоа ташкилоти тузилди. Бу савоб иш, лекин бу тадбирнинг тўла амалга ошиши учун жумҳуриятимизнинг ҳар бир ноҳия, вилоятларида унинг ўз фидойилари, оталиқ ташкилотлари бўлиши зарур. Улар бу хайрли ишга ҳисса қўшиши, қобилиятли ёшларни қидиришга ёрдам бериши керак.

Шундай қилиб, таъсис мажлиси «Улуғбек номли иқтидорли ёшлар ва мураббийларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ташкил этилганлигини эълон қилди ва жамғарма Уставини тасдиқлади. (Ёш куч» журналида Уставнинг тўлиқ матни эълон қилинади).

Шу билан биргаликда жамғарманинг илмий раҳбари ва маслаҳатчилари ҳамда 23 кишидан иборат бўлган жамғарма Кенгаши сайланди. Улар орасида жумҳуриятимизнинг йирик фан, маданият арбоблари, ишлаб чиқариш бирлашмаларининг раҳбарлари, халқимиз келажагини ўйловчи жонкуяр фидойилар бор.

Шу сўнгги хабар



Кеча жумҳуриятимиз Ёшлар уйининг «Прогресс» клубида Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси ташаббуси билан Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унга жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида яшаб, халқ хўжалиги жабҳаларида зарбдор меҳнат қилаётган хотин-қизлар ташриф буюришди.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Учрашувни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров очди ва йиғилганларни байрам билан қутлади.

— Сўнгги ойларда юртимизнинг кўпгина қишлоқларида бўлдим, — деди саркотиб, — аёлларимиз ҳақиқатдан ҳам оғир шароитларда яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир ҳукуматимиз улар турмушини яхшилаш учун барча имкониятларни ишга соляпти. Биз ҳам қўлимиздан келган, нимаики яхши иш бор, барини аёлларимизга бағишлашимиз лозим.

Кейин учрашувнинг фахрий аъзоси, СССР халқ артисти Сора ая Эшонтўраева сўз олиб, баҳорнинг илк кунларини ёшлар даврасида кутаётганлигидан хурсандлигини айтди.

— Мен сизларга тинчлик тилайман, — дейди Сора ая, — чунки тинчлиқ бу ҳаёт, бу — мусаффо осмон, бу — болаларнинг хушчақчақ кулгуси демакдир. Афсус, сўнгги вақтларда шу тинчлигимизга путур етмоқда. Ёшларимиз анча ёмон ишларга қўл уришмоқда. Тўғри, ҳаётимизда муаммолар кўп, бироқ ҳозирги вақтда уларни тинч йўл билан ҳал қилиш мумкин. Мен бу гапларни жуда кўп оғир кунларни кўрган аянгиз сифатида гапиряпман. Тинчликнинг қадрига етайлик. Бу эса кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ.

Учрашув қатнашчиларида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоира Ойдин Ҳожиеванинг шеърлари катта таассурот қолдирди.

Таниқли санъаткорлар — Муқимий номидаги мусиқали драма театри артисти Абдухолиқ Мамарасулов, қўшиқчилар Маҳмуджон Азимов, Нодирахон Зиёхонова ва бошқа саҳна усталари кулгили ҳангомалар, жозибали куй-қўшиқлар билан йиғилганларни хушнуд этишди.



Қабул сўнггида учрашув қатнашчилари — меҳнаткаш, жамоатчиликда фаол, оилада эса суюкли ёр ва меҳрибон она бўлган хотин-қизларга Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Е. БОТИРОВ суратлари.



Жумҳурият янгиликлари

КАТТАҚЎРҒОН қурилиш материаллари заводининг коллективи Москва, Тошкент ва мамлакатимиз бошқа шаҳарларидаги метрополитенларнинг станцияларини пардозлаш учун мармар плиталар жўната бошлади. Корхонада арралаш участкаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўрнатилган самарадор қурилмалар ҳар сменада ўнлаб квадрат метр қиммат баҳо материал тайёрлай олади. Камёб Самарқанд мармарини метро қурувчиларидан ташқари Ўзбекистоннинг область марказларидаги, Кострома ва Ивановодаги қурувчилар ҳам ола бошлашди. Уларга ҳозиргача 1500 квадрат метр мармар плита жўнатилди.

* * *

ОХУНБОБОЕВ районидаги Ленин номли колхознинг ҳайдовчиси Деҳқонбой Маҳмудов ўзининг 13 йиллик меҳнат фаолияти мобайнида капитал ремонтсиз уч юз минг километрдан кўпроқ йўл юриб, ўзига хос рекорд ўрнатди. Бу вақт мобайнида унинг ГАЗ—53 машинаси қарийб 60 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиди. Юк машинаси синчиклаб қараб турилиши натижасида у «узоқ умр кўрди». Д. Маҳмудов ҳар гал йўлга чиқиш олдидан машинасини ўзи техник кўрикдан ўтказади. Ҳайдовчининг фикрича, унинг автомобили Фарғона водийси йўллари бўйлаб яна бир неча минг километрни капитал ремонтсиз босиб ўта олади.

* * *

ТЕМИР ЙЎЛЛАР министрлиги коллегияси ва тармоқ касаба союзи Марказий Комитети 1989 йилда ўтказилган социалистик мусобақанинг якунларини чиқарди. Зарбдор меҳнат учун кўчма Қизил байроқлар ҳамда пул мукофотлари Ховос ва Қўқон станцияларининг, Ўзбекистон локомотив депосининг коллективларига топширилди. Бу ерда меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг юксак кўрсаткичига эришилди. Бу коллективлар Ўрта Осиё магистралида биринчилардан бўлиб белоруссиялик темирйўлчиларнинг прогрессив иш усулига ўтишди. Улар бу йил ҳам давлат буюртмаларини барча кўрсаткичлар бўйича бир маромда бажариб келмоқдалар. Вагонларга юк ортиш ва тушириш нормативининг қисқартирилиши муваффақиятнинг таркибий қисмлари бўлди.

* * *

СУРХОНДАРЁ областидаги «Шарғун» шахтасининг уй-жой поселкасида уй олиш учун навбатда турганларнинг ҳаммаси шинам квартираларга эга бўлдилар. Бу йил бу ерда бошқа бир жиддий муаммо — шахтёрлар болаларини мактабгача тарбия муассасаларидаги ўринлар билан таъминлаш муаммоси ҳам ҳал этилади. Ижтимоий кескинликни юмшатишга, аввало, шахта коллективининг хўжалик юритишнинг янгича принципларига ўтиши эвазига эришилди. «Средазуголь» бирлашмасидан олинган хабарга қараганда, «Ангренский» конининг уй олиш учун навбатда турган барча ишчилари ҳам 1991 йилда янги квартираларнинг ордерларини олишади.

(ЎзТАГ).

Миш-мишлар ва ҳақиқат

ПАРКЕНТДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

4 март куни сураткаш мухбиримиз Еркебой Ботиров билан Паркентда бўлдик. Бу чоғроқ ноҳия маркази тоғ ёнбағрига жойлашган. Биз фожиали воқеаларни бевосита ўз кўзи билан кўрган ўнлаб кишиларнинг ҳикояларини тинглаб, ҳайратда қолдик. Редакцияга репортаж узатишга эндигина чоғланган эдим Тошкентдаги мухбирлар пунктига Паркентдан вакиллар делегацияси келди. Ўзбекистон ССР халқ депутати, «Коммуна» давлат хўжалиги директори Аширмат Хўжаматов, Паркент ноҳия Советининг депутати, ноҳия «Паркент тонгги» газетасининг муҳаррири Маҳмуд Тоиров ва 41-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг директори Мирзаакбар Миракбаровлар ўз жамоа мактубини «Ёш ленинчи», «Комсомолька»да эълон қилишимизни сўрашди. Менга бу таклиф оқилона кўринди. Чунки. уларнинг уччаласи ҳам Паркент ноҳиясига раҳбарлик қилиш юзасидан муваққат комиссиясига сайланган. Қуйида уларнинг мактубини эълон қилаётирмиз.

М. АЛИМОВ,
«Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон бўйича ўз мухбири.

«Қадрли редакция! Биз бу мактубни ёшлар рўзномаларида эълон қилишни бурчимиз деб биламиз. Жумҳуриятни жумбушга келтирган воқеа шундай содир бўлганди.

«Кумушкон» туристик базасига Бўка ноҳиясидан кўчириб келтирилган қарийб 600 месхети турклари жойлаштирилиши билан Паркент ноҳия аҳолиси ўртасида гиж-гижловчи мазмунга эга бўлган варақалар оммалаштирила бошланди. Уларда чақирилмаган меҳмонларни тезроқ ўз еринган ҳайдаб юбор, деган маъно ётар эди.

Фирқа, совет ва комсомол фаоллари аҳоли ўртасида зудлик билан кенг тушунтириш ишини бошлаб юбордилар. Бирор бир фалокат юз бериши мумкин эмасдек кўринарди. Ҳатто учинчи март куни эрталаб ноҳия марказига митинг қилишга ҳеч ким ҳозирлик кўрмаган эди. Лекин...

2 март куни тунда кишилар ноҳия марказига ички қўшин аскарлари тушган бир неча автобусни кўришган. Тунда ҳатто кўчаларда жанговар техника (битта БТР)нинг ҳам гувоҳи бўлишган.

«Ҳарбий парадлар»ни кузатмаган кишилар шанба куни эрталаб уни томоша қилиш учун шаҳарча марказига тўпланганликлари табиий. Жанговар техникани томоша қилишга ишқибоз бўлган 50—60 киши бўлган, холос. Фикримизча, мана шунда милиция ходимлари нотўғри иш тутишган. Улар тўпланганларга дағал муносабатда бўлиб, резина таёқ билан пўписа қилишган, улар халқни тарқата бошлаганлар. Тўпланганларнинг бир қисмини сой бўйигача ҳайдаб боришган. У ерда эса тошлар сероб эди. Ҳаммаси мана шундан бошланган... Шунда ишга ички қўшинлар аралашган. Кимдир оломонга қаратиб ўт очишга буйруқ берган. 1967 йилда туғилган комсомол аъзоси Мирсоли Миртурсунов ҳалок бўлган. Яна бир неча киши жароҳатланган...

Кейин нима бўлганлиги рўзномаларда хабар қилинган. Лекин биз, Паркент аҳолисига «экстремистлар» деган тамға ёпиштирганликларини тушуна олмаяпмиз. Ахир ҳеч ким ур-йиқит ва тартибсизлик қилмоқчи эмасди-ку.

Жойнинг ўзида низога чек қўйиш имконияти мавжуд бўлган. Бунинг учун куч ишлатиш ва бақириб-чақиришнинг ҳожати йўқ эди. Аммо ноҳия раҳбарияти мана шу имкониятни қўлдан бой бериб қўйди. Натижада узоқни кўра билмаслик туфайли тўрт киши (бир милиция ходими) ҳалок бўлди, 27 киши жароҳатланди. Бизнинг маълумотларимизга кўра, 24 паркентлик ўқ жароҳатини олган.

Ҳамшаҳарларимиз бизни жамоат фикрини чалғитишга сабаб бўлган яширин тарзда ички қўшинлар бўлинмасини олиб кириш тўғрисида буйруқни ким берганлигини сўрашга ваколат этганлар. Ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган кишиларнинг қони учун ким аниқ жавобгар бўлади? Ахир халққа қараб «пахтавон» ўқ отилмади-ку? Нима учун ноҳия раҳбарияти учинчи март куни эрталаб вазиятни ўз қўлидан чиқариб юборди? Ахир ноҳия фирқа қўмитасининг кенг мажлислар залига кишиларни таклиф қилиш мумкин эди. Бизнинг тоғолди шаҳарчамизда кишилар митинг, айниқса «руҳсат этилмаган» митинг нима эканлигини ҳали билмайдилар...

4 март куни кечқурун аскарлар ва милициясиз кишилар ўзаро келишиб олишлари, тартибсизликка йўл қўймасликнинг оқилона қарорига келишлари мумкин эди. Дўконлар, болалар боғчалари, мактаблар, касалхоналар шикастланмаган, фақат ноҳия ички ишлари бўлими биноси зарарланди. Нима учун айнан «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда»га ёзаяпмиз? Жумҳуриятимиз бўйлаб ақл бовар қилмайдиган миш-мишлар ва уйдирмалар тарқаб кетган. Рўзномалар текшириб кўрилмаган далиллар чоп этилаяпти. Биз ҳатто баъзи бир мухбирларни ноҳиямизда кўрмаганмиз. Ёшлар газетаси эса фақат ҳақиқатни ёритади. Уларга ишонамиз.

Ҳақиқат ҳамиша битта, Барча паркентликлар кичик шаҳарчамиздаги фожиали воқеа тўғрисида бор ҳақиқатни сўзлаб беришни талаб этмоқдалар. Мана шундагина бугунги кунда ўқдан ҳам хавфли бўлган миш-мишларга ўрин қолмайди.

ПАРКЕНТ, 1990 йил, 5 март».

Мактаблар тиқилинч бўлмайди

Деярли минг нафар бола бибиринчи сентябрь келишини кутиб ўтирмай, Фарғона шаҳридаги 29-мактабнинг янги биносига кўчиб ўтди. Янги бино қурилиши қўшни икки мактабдан бу ерга 34 та синфни кўчириб, уларнинг «юкини анча енгиллатиш» имконини берди.

164 - механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этган уч қаватли бинода синфлар ва ўқув кабинетларидан ташқари иккита спорт зали, 260 ўринли мажлислар зали, ошхона бор. Меҳнат дарсларини ўтказиш учун яхши жиҳозланган устахоналар мавжуд. Барча синф хоналари Болтиқбўйи, Грузия ва Арманистонда тайёрланган махсус мактаб мебели билан жиҳозланган.

Тарих дарси музейда ўтилди

Пахтаобод районидаги 4-мактаб ўқувчилари тарих дарсларини тинглаш учун ўзларининг тарихий-ўлкашунослик музейларига келадилар. Бу музей педагоглар ва мактаб ўқувчиларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан бунёд этилган. Музей тўртта катта бўлимдан иборат бўлиб, улардаги экспонатлар район тарихи, пахтаободликлар тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

Музейнинг бутун бир бўлими шу райондан ҳарбий хизматга чақирилиб, Афғонистон тупроғида ҳалок бўлган 24 нафар байналмилал жангчига бағишланган. Уларнинг полкдошларидан олинган хотира сўзлари ҳам, шахсий буюмлари ҳам, жанговар мукофотлари ҳам шу ерда тўпланган.

Шу ерда яшаб ўтган Ҳабибий, Анисий, Сайфий каби таниқли шоирларнинг, бошқа адабиёт ва санъат арбобларининг ҳаёти ва ижодига бағишлаб махсус стендлар жиҳозланган.

Янги музей экспонатлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Сўнгги топилмалар орасида асримиз бошидан қолган уй-рўзғор буюмлари, кўҳна китоблар, солдат мактублари ва Улуғ Ватан уруши даврига тааллуқли бошқа эсдаликлар бор.

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

Жилға 2

Жумҳурият талабаларининг хабарномаси

Жумҳуриятимизда 44 та олий ва 248 та ўрта махсус ўқув юртлари мавжуд. Уларда 587,2 минг талаба таҳсил кўрмоқда.

Шулардан 297,3 минг нафари олий ўқув юртларида, 289,9 минг нафари ўрта махсус ўқув юртларида ўқийди.

Олий ўқув юрти талабаларининг 111,9 минг нафари ёки 73 фоизи, ўрта махсус ўқув юртлари талабаларининг 130,4 минг нафари ёки 71 фоизи стипендия билан таъминланган.

Олий ўқув юртлари талабаларининг 69,2 минг нафари ёки ётоқхонага эҳтиёжи бўлганларнинг 70 фоизи, ўрта махсус ўқув юртлари талабаларининг 68,6 минг нафари ёки ётоқхонага эҳтиёжи бўлганларнинг 62 фоизи «талабалар уйи»да яшайдилар.

Эртага Халқаро хотин—қизлар куни!

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз толибалар, опа-сингил олимамалар!



Сураткаш Б. МУҲАММАДЖОНОВ.

Бизнинг анкета

«Талабалар анжумани» минбарига

Дўстлар!

Ҳаммамизга маълумки, ўтган йилнинг кеч кузида Бутуниттифоқ талабалар анжумани бўлиб ўтди. Ундан нечоғли наф тегди, бу ҳақда хулоса чиқараётганимиз йўқ...

Олдинда жумҳурият талабалари анжумани турибди. Анжуман қабул қиладиган қарорлар, таклифлар, Ўзбекистон талабаларининг ҳаракат дастури жумҳурият келажагига лоқайд бўлмаган барча талабаларнинг фикр-қарашлари замирида яратилишини жуда ҳам истардик. Шу боисдан қуйидаги саволлар билан сизларга мурожаат этмоқчимиз.

1. Ўзбекистон талабаларининг анжумани қай тартибда ўтказилсин? Анжуманлар оралиғидаги муддат қанча бўлсин?
2. Сиз таҳсил кўраётган факультетда, ўқув юртида унга вакиллар қай тарзда сайлансин?
3. Ўзбекистон талаба-ёшларининг ўз уюшмалари бўлсин, деган таклифга қўшиласизми? (Фикрингизни кенгроқ баён этинг).
4. Жумҳурият талабаларининг хабарномаси келажакда алоҳида рўзнома бўлишини қўллаб-қувватлайсизми?
5. Талабалар ҳаётини янада мазмунли, қизиқарли қилаётган қандай чора-тадбирлар билан ўртоқлашмоқчисиз?

Мактубингизни 1990 йил 20 — мартгача юборишингизни сўраймиз.

Бир заминнинг икки олами



ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ БОШҚАРМАСИ ҚАРАМОҒИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ МАЪҲАДИ МУДИРИ ЗОҲИДЖОН ҚОДИР ЎҒЛИ БИЛАН СУҲБАТ.

Илмни аввал ўзи ўрганиб, сўнг бошқаларга ўргатиш — садақаларнинг афзалидир.

Ҳадислардан.

Мухбир: Зоҳиджон ака, маълумки, жумҳуриятимиз пойтахти — Тошкентда Ислом маъҳади [институти] борлигини кўпчилик билмайди. Шунинг учун суҳбатимиз аввалида маълумот берсангиз.

Зоҳиджон Қодир ўғли: Тўғри, кўпчилик (диний илм аҳлларидан ташқари) бизнинг маъҳадимиз ҳақида «Ёш ленинчи» газетасининг ўтган йилги сонларини ўқиб хабардор бўлдилар.

Маъҳадимиз 1971 йилда очилган бўлиб, Совет Иттифоқида ягонадир. Асосан биз Бухородаги бошланғич Мирараб мадрасасини тугатган талабаларни, шу билан бирга ислом тўғрисида ва араб тилидан Устозлар кўмагида сабоқ олган ёши 18-35 гача бўлган мусулмонларни қабул қиламиз.

М. Демак, талабалар маъҳадни тугатгач олий маълумотга эга бўлади!

З. Қ.: Ҳа, шундай.

М. Рухсат берсангиз суҳбатимизни маъҳадда илм олаётган талабалар ҳаёти, ўқув жараёнлари ҳақида давом эттирсак.

З. Қ.: Бизнинг талабаларимиз Совет Иттифоқининг турли жойларидан: Ўрта Осиё жумҳуриятларидан, Уфадан, Кавказ ўлкасидандир. Шу билан бирга ҳозирги толибларимиз ичида Вьетнам, Афғонистон, Булғория каби ўлкаларнинг ҳам вакиллари бор.

М. Агар қиёслаш жоиз бўлса, бу ердаги толиблар ҳам бизнинг талабалардай имтиёзларга эга бўлса керак! Сўрамоқчиманки, толибларингизнинг яшаш шароити, моддий таъминоти қандай! Асосан қандай фанлар ўтилади!

З. Қ.: Аввало шуни айтиш керакки, маъҳадимизда шу кунларда 65 нафар толиб таҳсил олаётган бўлса, буларнинг барчаси турар-жой ва иссиқ овқат билан таъминланган. Ҳар бир толиб ойига 100 сўм миқдорида ўқув минҳаси (стипендияси) олади.

М. Олий ўқув юртларида энг яхши талабалар учун Ленин стипендияси берилади...

З. Қ.: Нима демоқчи бўлганингизни тушундим. Бизда ҳам ана шундай минҳа бор. Бу 150 сўмлик муфтий Зиёвиддинхон минҳасидир. Энди ўқув жараёнига келсак, асосий фанимиз динийдир. «Қуръон»ни тўғри ўқиш, тафсир («Қуръон» маъносини ўргатадиган фан), ҳадис, Ислом қонуншунослиги (ФИҚХ), «Ақоид» (Эътиқод), ҳамда Араб дунёси жуғрофияси ва тарихи. Хоҳловчилар учун инглиз, форс тиллари ҳам ўргатилади.

М. Толиблар деярли бир ёшдаги турли миллат вакиллари экан, улар ўртасида қайси тил муомила воситаси ҳисобланади?

З. Қ.: Алоқа воситаси асосан ўзбек ва рус тилидир. Толибларимиз рус тилида эркин гаплаша оладилар.

М. Маъҳад толиблари ҳозирги қайта қуриш ҳақида қандай фикрда!

З. Қ.: Ижобий фикрда. Чунки қайта қуриш бизнинг тўсиб қўйилган имкониятларимизни ишга солишимизга секинлик билан бўлса ҳам йўл очиб бермоқда. Энг асосийси, кишилар ғафлат уйқусидан уйғонмоқдалар. Ўзларининг бу қадар маънавий инқирозга учраши сабабларини қидирмоқдалар. Оллоҳ олдида у оқми, қорами — бандаларининг бари тенгдир. Буюк Шарқнинг буюк даҳоси Низомиддин Мир Алишер ҳазратлари айтганларидек: «Одами эрсанг демагил одами, Оникм йўқ халқ ғамидин ғами». Айтмоқчиманки, ҳар қандай муқаддас китоб замирида инсон қадри, баркамол инсон тарбияси ётади. Майда ва катта миллатлар йўқ. Оллоҳ олдида уларнинг бари тенг. Бир миллатнинг имтиёзлари ўзга миллат имтиёзидан устун бўлишини ислом ҳам қоралайди. Инсон қадр-қимматига асосий эътиборни қаратган ҳозирги давлатимиз сиёсати бизни қувонтиради. Шу билан бирга фикрлар хилма-хиллиги ҳам бор. Бу табиий, албатта. Ҳар қандай эзгу ниятлар билан бошланган иш осонлик билан амалга ошмайди. Адашишлар, кўзланган мақсаддан четга чиқиб кетишлар ҳам бўлади. Толибларимиз кундалик матбуотдан доимо хабардор.

М. Инсоният тарихида бўлиб ўтган жуда кўплаб воқеалар шундан шоҳидлик берадики, мавжуд тузумдаги адолатсизликка қарши кексаларнинг панду-насиҳатлари остида ҳамиша ёшлар курашиб келган. Кексаларимизга қараганда кўпроқ «нега», «нима учун», «қачон» деган ўринли саволларга жавоб қидиришади. Йиллар давомида уларнинг ана шундай саволларига оталаримиз ерга қараб унсиз ўй суришди, ёки бўлмасам ҳатто деворга ҳам эшитилмайдиган тарзда бутун сирлардан фарзандларини воқиф этишди. Янгиланиш жараёнида ҳам буйруқбозликка, хўжасизликка, таҳқирланишга, айбсиз айбланишга қарши биринчилар қатори талабалар «жангга» киришди. Катта-катта ижтимоий-сиёсий муаммоларни, эзгу — умуминсоний таклифларни ўртага қўяётганлар ичида талабаларнинг салмоқли ўрни бор.

З. Қ.: Ҳа, замон ўзгаряпти. Ҳақиқат барибир ҳақиқатлигича қолади. Кеча бизга тош отганларнинг бугун юзлари шувут, панжара остида ўтиришибди. Жамиятимиз 70 йил ичида қайси кўчаларда «адашиб» юрганлиги бугун ҳаммамизга маълум. Бизнинг толибларимиз ҳам бу борада ўз фикрларига эга.

М.: Мен боядан бери бир нарсани айтмоқчи эдим. Мана, 1971 йилдан буён сизлар у ёқда, биз бу ёқда бир заминнинг икки олами бўлиб яшаб келдик. Ваҳоланки, шу йиллар ичида бир-биримиздан жуда кўплаб эзгу қарашларни ўрганишимиз мумкин эди. Бу ҳам турғунликнинг бир аломати бўлса керак. Менимча олий ўқув юртлари талабалари билан сизнинг толибларингиз ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатиш керак. Баҳслар, фикр алмашишлар ҳеч бир талабага зиён етказмайди.

З. Қ.: Тўғри айтдингиз. Ана шундай алоқалар мустаҳкамланса, бу фақат икки томоннинг маънавиятини бойитади. Бизнинг толиблар ҳам матбуотда чиқишлар қилса, баҳсталаб муаммолар устида ҳамжиҳат фикр алмашинилса, бунинг ҳеч бир зиёни йўқ. Бунинг учун бизга рўзномалар ўз саҳифаларидан жой ажратса ёмон бўлмасди. Мана, «Ёш ленинчи» газетасида талабалар саҳифаси ташкил қилинди. Бу савоб иш бошида турган рўзнома етакчиларига раҳмат. Жамиятимизнинг келгуси ҳаракатлантирувчи кучлари бўлган талабаларнинг овозларини эшитиш барчамизни хурсанд қилади. Бу маънавий майибликни йўқотишга ҳам хизмат қилади. Бизнинг эшигимиз эзгу қалблар учун ҳамиша очиқ.

М.: Ислом ахлоқи ҳақида турли фикрлар бор. Яқинда тасодифан қўлимга Йўлдош Жумабоевнинг «Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари» китоби тушиб қолди. Унинг сўз бошисида муаллиф покистонлик олим Абул Ало Мавдудийнинг «Ислом ахлоқи» китобидаги қуйидаги фикрларига муносабат билдирган: Мавдудий ёзади «...Ахлоқ учун фақат биттагина тўғри асос мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса, ислом томонидан берилган асосдир. Унда биз этиканинг ҳамма асосий масалаларига жавоб топамиз ва бу жавоблар философлар ёки бошқа динлар томонидан берилган жавоблардаги камчиликлардан ҳолидир... Бунда биз дастуриамални топамизки, бу дастуриамал ҳаётнинг барча соҳаларида бизни яхшиликнинг энг юксак чўққиларига олиб келиши мумкин. Жумабоев эса бу фикрларни шундай рад қилади: «Бу хилдаги мулоҳазаларнинг ғоявий мақсадлари мутлақо аёндир, улар буржуа Шарқининг ҳукмрон синфлари манфаатларини қўриқлашга қаратилган...» Шу икки фикрга сиз қандай қарайсиз!

З. Қ.: Ислом ахлоқи ҳали ҳеч кимни ёмон йўлга бошлаган эмас. Ислом не ишга фатво берар экан, унинг замирида кишиларнинг тенг ҳуқуқлиги ётади. Аксинча, одамларни юксак ахлоқий руҳда тарбиялаш ҳукмрон синфлар манфаатига эмас, балки жамийки инсонлар манфаатига хизмат қилади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифаларида босилган ислом вакили муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг ислом ахлоқи ҳақидаги мақолаларини ўқиб қайси мусулмон зарар кўради? Аксинча, маънавий озуқа олади. Ўзга тузумдаги давлатларда инсонлар манфаатини ҳар нарсадан устун қўйгувчи кишилар йўқ, деб ўйлайди айримлар...

М. Матбуотдаги атеистик мавзулардаги мақолаларга сизнинг муносабатингиз қандай!

З. Қ.: Тўғри, баъзилар билан икки хил эътиқоддаги одамлармиз. Ҳурлик нима? Барча инсонларнинг ҳар томонлама озод бўлиши. Қайси тузумда, қандай эътиқодда бўлмайлик, интилишларимиз бир: барча озод бўлсин, тенг бўлсин, ҳаёти фаровон, эътиқоди бутун бўлсин. Эътиқодсизлар жамиятни ҳалокатга олиб келади. Ислом дини одамларни фақат эзгу ишлар руҳида тарбиялайди. Жумҳуриятимиз қомусининг 50-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон ССР гражданларининг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки биронта динга эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажариш ёки атеистик пропаганда олиб бориш ҳуқуқи кафолатланади. Диний эътиқод туфайли адоват ва нафрат қўзғотиш тақиқланади». Лекин, кўп ҳолларда атеистик тарғибот вакиллари билимсизлик оқибатида мусулмонларда ўзига нисбатан нафрат уйғотадилар, диндорларимизни ҳақорат қиладилар. Нега улар учун чора кўрилмайди? Ўша «зотлар» билиб-билмай «Қуръон»ни ёмонлаш билан нимага эришадилар? Фақат нафратга!

Ҳаққоний бир қонуният бор: Сен бирор фикрни рад қилдингми, иккинчи бир фикрни таклиф қил. Лекин, сен таклиф қилаётган фикр уни инкор қила олмас экан, ундай ҳолда яхшиси индамаганинг маъқул. Акс ҳолда билимсизлигингни ўзингдан ўзгаларга ҳам билдириб қўясан. Ўрта мактабларда «Қобуснома» каби одамларни юксак ахлоққа ундовчи китобларни дарслик сифатида ўтиш керак. Буюк Шарқ ўзининг бебаҳо тафаккур гулшанига эга. Бу гулшан вакилларининг умуминсоний фикрлари, ўгитлари қачонгача «занжирбанд» ётур?

М. Зоҳиджон ака, вақтингизни аямай суҳбатдош бўлганингиз учун ташаккур. Ўйлаймизки, маъҳадингиз толиблари ҳам яқин кунларда ўз фикрлари билан матбуотимиз муштарийлари қалбига кириб борур.

Суҳбатни
Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,
олиб борди.
ТошДУ журналистика факультети 5-курс толиби.

«Жилға» почтасидан

«Жилға»нинг биринчи сони чиққач, газета муштарийларидан кўплаб хатлар олдик. Уларнинг аксариятида жиддий таклиф—истаклар билдирилган. Жумладан, Ғ. Ғулом номидаги Сирдарё педагогика институти толибаси М. Хўжақулова: **«Менимча, «Жилға» хабарномаси келгусида вилоятлардаги барча билим юртлари, олий ўқув юртларини жипслаштирувчи, ёшларнинг маънавий дунёсини кенгайтирадиган, жамиятда юз бераётган воқеаларни адл тарозиси билан ўлчашга ҳисса қўшадиган алоҳида рўзнома бўлиб қолса яхши бўларди».**

«Жилға»ни қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Йўналиши яхши. Фақат жуда кам жойни эгаллаган, ҳар жойга сочилиб кетган. Иложи бўлса, бироз кенгайтирилса. Агар ойига икки марта чиқадиган бўлса, нур устига аъло нур бўлар эди», деб ёзади Марҳамат ноҳиясидаги ҳунар-техника билим юрти толиби **Ф. Жўраев.**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий ходими **А. Абдуғаффоров** эса: **«Хабарнома тўғрисида фикр юритишга ҳали эрта бўлса керак, деб ўйлайман. Ютуғи эса — рўзноманинг талабалар томонидан тайёрланганида. Иқтидорли, қобилиятли ёш талабаларни «кашф қилиш» мавзусига «Ибратли талаба минбари» ёхуд «Бу талаба биздан» деган ойнасўз қўйишни таклиф қилар эдим. Яна бир истагим, рўзнома фақат ТошДУ билан чегараланиб қолмай, жумҳуриятимизнинг (44 та!) бошқа олий ўқув юртлари, техникум, билим ўқув юртлари талабаларининг ҳаёти, илмий изланишлари, ибратли ишларини ҳам ёритиб борса. Тенгқурлар ижодига катта эътибор берилса. Ишончим комилки, ана шундагина «Жилға» талабаларнинг севимли рўзномасига айланади!»** деб ёзади.

Редакциямизга келган мактублардаги таклиф ва истаклар умумлашмаси шулардан иборат. Бизга хат йўллаган барча муштарийларга миннатдорчилик билдирамиз. Аминмизки, шу билан алоқаларимиз узилиб қолмайди. Бундан кейин ҳам хабарноманинг яқин маслакдошлари бўлиб қоласиз, деган умиддамиз.

«ЖИЛҒА» ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН:
Жумҳурият талабалар хабарномасининг фақат Тошкент шаҳри олий ўқув юртлари муаммолари билан чекланиб қолиш-қолмаслиги Сизга боғлиқ — турли вилоятларда таҳсил кўраётган тенгдошлар! Мактубингиз, мақолаларингизни кутамиз.



1988—89 ўқув йилларининг якунларига кўра жумҳуриятимиз олий ўқув юртлари кундузги, кечки, сиртқи бўлимларида 41,5 минг мутахассис тайёрланди. «Бугунги талаба-эртанги мутахассис» деб бежиз айтмаймиз. Сиз кўриб турган бу суратда ТошДУ кимё факультетининг бўлажак мутахассислари, талабалар Эркин Халилов, Соҳила Раҳимова, Ҳабиба Қораева, Матлуба Отажоновалар лабораторияда тажриба ўтказмоқдалар.

Сураткаш И. ШЕРБЕК.

Жим туролмайман

Ўзининг қадрини билмаган...

Чет эллик талабалар ва биз. Оралиқда муайян даражада катта, кўп қиррали манзара мавжуд. Бу манзарани муносабатлар деб атайман. Хорижлик илм толиблари бизнинг тартибларга, бизнинг ахлоққа, бизнинг тўқчилик ва йўқчиликларимизга кўникишга қийналадилар. Чунки улар ўз юртларида беғоят эркин тарбия кўрганлар. Биз чет эллик талабаларни аввало меҳмон деб биламиз ва шарқона кўҳна кўтаринки руҳ, юзда кулгу билан энг қулай ҳисобланган ётоқхоналаримизни бўшатиб берамиз. Ўзимиз вокзалларда, тайёрагоҳларда, ижараларда яшасак-да, ҳеч вақоси йўқ. Ётиб туришлари учун энг яхши диванларни, кўрпа-тўшакларни муҳайё қиламиз-да, фахрланиб, бизнинг жонимиз қиркта, меҳмонлар нозик, нозик жойлардан келишган, эрта бир кун ўлкаларига борганда, ундай эди, бундай эди, деб ёмон эслашмасин деймиз. Мен чет эллик талабаларни бизнинг талабалардан яхшироқ кийинишлари, айримлари чайқовни авж олдирганликлари, энг чиройли қизларимизни... меҳмон қилишга қурблари етиши ва шу сингари арзимас нарсалар ҳақида гапириб ўтирмоқчи эмасман. Бунинг сабаби битта: моддий таъминотнинг ҳар хиллигида.

Мен чет эллик талабалар «жаннатда» яшаётган эканда, деган таассурот қолдиришдан йироқман. Улар ҳам кўниккунларича қаватларга иссиқ ёки совуқ сув чиқмаслигидан, юқори қаватларга кўпинча умуман чиқмаслигидан, аксарият ҳолларда лифтнинг ишламаслигидан, қолоқ ҳисобланган кишварларда кутубхона хизмати аллақачонлар компьютерлаштирилгани ҳолда, бизда ҳануз алмисоқдан қолган усул амалда эканлигидан, дўкондаги ноннинг сифатсизлигидан, бозорда эса қимматлигидан, шаҳар транспорти ҳаракатнинг чидаб бўлмас даражада қониқарсизлиги-ю, 32-шаҳар соғлиқни сақлаш шоҳобчасининг кўл учидаги хизматидан, Талабалар шаҳарчасидаги ошхоналар, турли дўконларнинг етишмаслигидан, борларида ҳам тайёрланаётган егуликларнинг сифатсизлигидан, факультетларда ўқитиш ва ўқитувчилар савиясининг пастлигидан, дарсхоналарда, баъзан энг оддий стол-стулларнинг етишмаслигидан ва бошқа камчиликлардан бизнинг талабалар билан баробар, тенгма-тенг қийналишади.

Кўпгина чет эллик талабалар Ўзбекистон бўйлаб саёҳатларга чиқиш, ўзбеклар ҳаёти билан яқиндан танишиш истагини билдирадилар. Пахта терими мавсумида шаҳарда қолишни эмас, пахтазорга боришни, «оқ олтин»ни ушлаб кўриб, қўлларини «табаррук айлашни», сен ўзбексан, онанг пахтазорда туққан, йиқилиб-туриб далада катта бўлгансан, «норма»ни бажаришинг шарт эди, фалончиларни тушунса бўлади, пахтазорга биринчи марта қадам босиши, қабилидаги «кечириш» ва «тушунишлар»нинг гувоҳи бўлишга қизиқадилар. Улар латишлар, литваликлар, эстонлар, гуржилар, арманилар, тожикларнинг диёрларига сафарларга чиқишга, совет байналмилалининг чинакам ҳаётий кучини ўз кўзлари билан кўришга эркин имконият яратилишини хоҳлайдилар. Мен эса хорижлик талабаларга қайта қуриш туфайлимикан, билмадим, ҳарқалай ҳафтанинг маълум кунларида уларнинг ётоқхонаси олдида арзон нархда гўшт сотилиши, маҳаллий талабаларга бу «мумкин эмас»лиги ҳақида ётиқлик билан тушунтирилиши ва шу каби ерлик талабаларнинг ғурурини ҳақоратловчи одатнинг бекор қилинганлиги билан мақтангим келади. Мана, ниҳоят; маҳаллий талабалар ҳам гўшт истеъмол қилишлари керак, деган инсоний бир хулоса ғолиб чиқди-ку.

Хуллас, хорижлик талабалар ҳам ўзимизга ўхшаган одамлар.

МЕНИНГ ТАКЛИФИМ: Талабалар шаҳарчасида чет эллик ва бошқа толибларнинг калта шим ва енгсиз ички кийим билан ошхоналарга, дўконларга ташриф буюришларини, кўчаларда шу алфозда юришларини расман тақиқловчи тартиб ўрнатиш. Бу кимларнингдир эркини бўғиш эмас, балки бу ерда яшаб таълим олаётган минглаб ўзбек ва бошқа миллат кишиларига, уларнинг туйғуларига ҳурмат белгисидир. Одамлар орасида тортинмай ярим яланғоч юриш маданият даражасининг кўрсаткичи эмас. Ўзини ҳурмат қиладиган бирор-бир халқ маданиятга бунақа ўлчов қўйишига ишонмайман. Аксинча, атрофдаги кўпчиликнинг яхши урф-одатларига, турмуш тарзига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уни чин дилдан эъзозлаш маданият белгиси эмасми?

ЯНА БИР МУЛОҲАЗА: Талабалар шаҳарчасида «видеохона»лар қўзи-қориндай кўпайиб кетмадими? Мен «видео»га қарши эмасман, аммо унинг меъёрдан ошишига қаршиман. Шаҳарчадаги «видеохона»ларда бирорта жиддий фильм кўрган эмасман, нуқул енгил-елпи, олди-қочди фильмлар намойиш қилинади. Бу борада таклифим шуки, «видеохона»ларни қисқартириш ҳисобига эски туркий-ўзбек ёзувини ўрганувчи кечки курсларни кўпайтириш керак. Кейинги пайтларда ёшлар орасида ўз тарихимизга қизиқишнинг шиддат билан ортаётгани шуни тақозо қилади.

ОХИРГИ МУЛОҲАЗА: Талабалар шаҳарчасига имкон қадар яқин жойда, имкон қадар тез фурсат ичида катта, профессионал театр ва мўъжаз рассомлар сайёр кўргазмаси учун бино қурилиб, иш бошлаши лозим. Аксарият қишлоқлардан тўпланган ёшлар театр ва тасвирий санъатга қизиқмайдилар, давлат фойда кўрмайди, деб ўйлайсизми? Мен ҳам шундай ўйлайман. Бироқ мақсад фақатгина моддий манфаатдорликда эмас, балки ундан қимматлироқ бўлган маданий тарбияга қаратилгандир. Талабалар шаҳарчасидек истиқомат жойида кўпчилик тасвирий ва театр санъатининг поёнсиз оламига ошно этилса, давлат хазинасига ҳам даромад келишига ишончим комил.

Салим АШУР.

Хабарнома «Жилға» таҳрир ҳайъатининг аъзолари: Р. АЛИМОВ, Қ. НОРҚОБИЛОВ, Ж. НАҲАНОВ, М. ҲОЖИМАТОВлар иштирокида тайёрланди.

Мавзуга қайтиб

«Жалолиддин Мангуберди»

(«Ёш ленинчи». 1989 йил 24 ноябрь.)

Маҳмуд Сатторов қаламига мансуб, муаллифнинг ўзи айтмоқчи «тарихий-бадиий асарлардан қайдлар» юзасидан редакциямизга кўплаб хайрихоҳлик билдирувчи қўнғироқлар бўлди, илиқ фикрлар баён этилган мактублар келди.

Яна бир савоб ишга қўл урганлигидан масрур бўлиб турганимизда, бирдан сергак торттирувчи тақриз қўлимизга тушди. Тўғрироғи, уни муаллиф — Ҳабибулла Зайниддинов ўзи олиб келиб қолди. Кўплашиб, синчиклаб ўқиб чиқдик — маъқулга ўхшаб туюлди. Аммо яна бир марта ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун ташқаридан ҳакам изласак тўғри бўлади, деб ўйладик.

Шундай қилиб, бугун биз эътиборингизга ҳавола этаётганимиз қўш тақриз юзага келди.

МОЗИЙГА ОТИЛГАН ЎҚ

Ўрта Осиё, жумладан, Моварауннаҳр (Ўзбекистон) тарихи ниҳоятда бой, ранг-баранг. Бу тарих бизга ватанимизда кечган минг-минг йилларнинг дабдаба-шукуҳлари, суронли силсилали воқеаларидан шаксиз садо бериб туради. Қолаверса бу тарих авлодларни доимо Ватан, эл-юртга меҳр-муҳаббатга, аждодларимиздан мерос қолиб келаётган илм-фан, осори-атиқаларни, жамики анъаналарни кўз қорачўғидай асраб-авайлашга ҳам даъват этиб туради. Аммо ана шу тарих илмидан ҳозиргача тўлиқ бузилмаган, бўяб-нетилмаган ҳолда фойдаланиб келинаётирми-йўқми? Юқоридаги муаллифнинг тарихий қайдлардан иборат очеркини ўқиганда, бевосита шуларни ўйлаб қоласан, киши.

Ушбу очеркнинг боши шундай сатрлар билан бошланади: «Кўҳна тарих атоқли шахсларга, ибратли воқеаларга бой. Бироқ ҳамма халқ ва миллатлар ҳам ўз тарихи билан баравар мақтана олмайди». Бу ерда «мақтаниш» деган сўзнинг ўзи хатодир. Негаки, туркий халқларнинг тарихий-маданий тараққиёти умумжаҳон тарихий-маданий тараққиёти билан бўйлашади. Аввало «мақтанмоқ» сўзига урғу берилишининг ўзиёқ мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ,маданий ва тарихий обидалар бир халқ томонидан бошқа бир халққа келажакда кўз-кўз қилиниши ёки муаллиф ёзганидек мақтаниши учун бунёд этилмайди. Улар маълум бир даврда ва маълум бир жойда муайян бир халқнинг илм-фан ва маданияти қай даражада юксакликка ва камолотга кўтарилганидан дарак берадилар холос. Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи, ахлоқий жиҳати ҳам борки, айни шу мақтаниш деганда ўқувчининг ўз халқи тарихи борасидаги билимини ошириш ўрнига, дангал айтиш мумкинки, зимдан кимга нисбатандир гиж-гижлашнинг ўзгинасидир. Тарихий ҳаққониятни бу тарзда талқин этиш миллий масала умумхалқ тусини олган ҳозирги кунда айрим ғаразгўй кимсалар ва буржуа мафкурачилари тегирмонига сув қуйиши турган гап.

Муаллиф очеркида Жалолиддин Мангуберди ҳақида «илмий-бадиий асарлар ёзганлар» деб келтирган рўйхатдаги Ибн Арабшоҳ, Ибн Ал Асирларнинг Жалолиддинга бағишланган мустақил бир асар ёзганликлари тарихда учрамайди. «Бухоро тарихи»ни ёзган Наршоҳий эса, X асрда ўтган тарихчи эди. Қандай қилиб XIII асрда бўлиб ўтган воқеаларни ва яна келиб-келиб, шахсан Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзиш мумкинлиги жуда ҳайратланарлидир. Сўфийлик тариқатидан иш қилган Бертельс-чи? Унинг Жалолиддин ҳақида қандай асари бор? Адиблардан Ойбек, Явдат Илёсов, С. Бородин, М. Осим ва М. Маҳмудовларнинг қандай илмий ва бадиий асарлари бор, Жалолиддинга оид? Тўғри, М. Осим ўзининг «Ўтрор», «Темур Малик» каби қиссаларида тилга олиб ўтган. Аммо айрим китобининг борлигини ҳозиргача кўрганимиз йўқ. Агар муаллифда шундай ишончли далил бўлса, уни шу очеркида келтириши лозим эди. Лекин бундай далил берилмаган. Зеро, ҳар нарса ҳам исботи билан гўзалдир. Ундан сўнг: «...Ер юзининг жуда катта қисмини эгаллаган Хитойдан Мисргача бўлган Моварауннаҳр, Хуросон (қайси Хуросонлиги айтилмаган. Асли Хуросон иккига ажратилиб ёзилади. Ғарбий Хуросон — Эрон ерларига киради, Шарқий Хуросон деганда ҳозирги Афғонистон тушунилади — Ҳ. З.) Эрон, Каспий бўйи, Кавказорти сингари ўз даврининг юздан ортиқ давлати, миллат ва элатларини бирлаштирган Хоразмшоҳлар салтанатининг...» деб келтирган жумласига эътибор қилинг. Аслида тарихий манбаларда йигирма етти мамлакатни бўйсундирган дейилади. Юздан ортиқ давлат ҳазилакам гапми? Қолаверса «бирлаштириш» деган сўз тўғримикин?! Қойил-э, ҳар қанча лоф-қоф бўлса, шунчалик бўлади-да!.. Бу ҳам майли-я, давомида: «1216 йили Хитойни забт этиб бўлган (Чингизхон Хитойнинг Шимолий қисмини, ўшанда ҳам 1216 йили эмас, 1214-1215 йили истило этган. — Ҳ. З.) Чингизхон Хоразмшоҳ салтанати ўз давридаги энг катта ва қудратли давлат эканлигини жуда яхши тушуниб, эски тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, бу буюк давлат билан дўстона қўшничилик муносабатлари ўрнатишга зўр бериб уринди. («Уринди» сўзига қаранг. Уринганмикин ростдан ҳам? — Ҳ. З.) Бисотидаги энг асл бойликларини унга ҳадя қилиб жўнатиб турди. («Боякишнинг қилган жонбозлилигини» қаранг — Ҳ. З.) Уч бора элчи ва савдогарлар карвони юбориб, Хоразмшоҳ давлати ва ҳукумати олдида бош эгди» эмиш. Муаллиф мутахассислар куп-кундуз куни чироқ ёқиб тополмаган манбани топибди-ку! Ва айни бир вақтда Чингизхонни қўй оғзидан чўп олмаган беозор, ювош шахсга айлантириб юборибди-ку! Баракалла-е! Яна давомида: «Чингизхон Хитойда мусулмон халқларини буддага топинувчи ҳукмронлар тазйиқи ва зўравонлигидан халос қилиб, озодлик берди», деб ёзилади. Бу ерда биринчидан «Хитойда» деган сўз ҳам хато. Негаки, Хитойнинг ўзи бошқа давлат, унга қўшни бўлган уйғур давлати ҳам бор эди, ҳозир ҳам бор. Бу халқнинг ҳам ўзига яраша ҳар қанча фахрланса арзийдиган тарихи бор. Нега энди биз бундан кўз юмишимиз керак? Иккинчидан «халос қилиб, озодлик берди», дебди. Қайси манбада шундай ёзилган? З. М. Буниёдовнинг «Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати — 1097-1231 йиллар». (М. 1986 йил, «Наука» нашриёти.) китобининг 131-бетида «Чингизхон қарлуқлар ,уйғурларни бўйсундириб, бевосита Кучликхон идора қилган ерларга ҳам етиб келган», — дейилган. Яна лозим бўлса айтиш жоиздирки, худди ўша китобнинг ўша бетида: «Қашқар ва Хўтан аҳолиси мўғулларни гўё ўз халоскорларидай қарши олганлар» деб ёзилади холос. Бу «халос қилиб, озодлик бериш» деган гап эмас! Сўзларни фарқ қила билиш керак. Ибн Куфрож Буғро исми ҳам «Ибн Кафраж Буғрий» деб бузиб ёзилган.

Очеркда Жалолиддиннинг Шимолий Ҳиндистондаги воқеаларга оид жумлалари ҳам уйдирмалардан бошқа нарса эмас. Масалан: «Жалолиддин таваккал билан Шатра подшоси — Ранани яккама-якка жангга таклиф қилди. У ҳам кўнди», эмиш. Бу тарихий сўзми? Бундай сўз на Буниёдовда ва на бошқа манбаларда йўқ-ку! Ёки бу ўқувчига тушунарли қилиб содда тилда ёзилган бадиий тўқимами?! Ҳар қалай униси ҳам, буниси ҳам эмас. Яна муаллиф ўз услубини давом эттириб шундай ёзади: «Хоразмшоҳдан айнаган қариндош — уруғлар кичик тўдалари ҳам уни тан олдилар. Бу мамлакатнинг энг катта лашкарбошиси Шамсиддин Элтутмиш умумий душман — мўғулларга қарши бирлашиш мақсадида 30 минг отлиқ ва 100 минг пиёда асл қурол тутган аскари билан султонга келиб қўшилди. Лашкарбошининг 300 жангчи филлари ҳам Жалолиддин қудратини оширди». Офарин деганг келади, бундай қойилмақом ёлғонга! Муаллиф ёзган худди ўша Шимолий Ҳиндистон султони Шамсиддин Элтутмиш ҳақиқатан ҳам 30 минг отлиқ ва 100 минг пиёда, 300 жанговар филлари билан Жалолиддинга келиб қўшилмайди, балки шу қўшинлари билан унинг ўзига қарши отланиб чиққан. (Қаранг: З. М. Буниёдов. «Хоразмшоҳ Ануштегинлар Давлати» 159-бет.)

Муаллиф Жалолиддиннинг Эрон тупроғидаги давомли курашларига тўхталиб ёзади: «Шу даврда султон Жалолиддин ўз синглиси Хонсултондан мактуб олди. У асир тушгач, Чингизхоннинг катта ўғли Жўжжига хотин бўлган, ундан фарзанди ҳам бор эди», эмиш. Хонсултоннинг Жўжжихонга хотин бўлгани тўғри. Лекин қайси китобда унинг Жўжжихондан «Фарзанди ҳам бор эди», дейилган? Бизга маълум манбаларда бундай гап йўқ-ку! Бу ҳам майлига-я, давомида у Хонсултоннинг хатини келтириб бундай ёзади: «Сизнинг ғалабаларингизни хоқон Чингизхон эшитиб, тан бериб юрибди. Истасангиз сиз билан сулҳ тузмоқчи. Шарти: Жайҳун дарёсининг нариги томони — Хуросон, Эрон, Араб давлатлари ва Каспий бўйи, Кавказорти давлатлари сизники. Беригиси эса Чингизийлар мулки бўлиб қолади. Ўз кучингизга ишонсангиз, авлодларимиз учун қасос олиб, мўғул устига ҳужум қилинг, Кучингиз келмаса, сулҳ шартидан фойдаланинг». Аслида эса, шундай ёзилган: «Сенинг куч-қудратинг ва мулкингнинг бепоёнлиги ҳақидаги хабар бу ерга хоқонгача келиб етди. Шунинг учун у сен билан қариндош тутинмоққа ва сизларнинг Жайҳун (Амударё) дарёси билан чегараланиб қолинадиган мулклардаги ҳамма нарса сеники, дарёнинг нариги (яъни, бутун Моварауннаҳр — Ҳ. З.) томонидаги ҳамма нарса уники бўлиб қолмоқлиги учун бир битимга келишмоққа қарор қилди. Шунинг учун агар сен уларга қарши тура оладиган етарли куч топа олсанг қасос ол, улар билан жанг қил: агар зафар қозонсанг унда ўз билингча иш кўр. Йўқса, ярашиш имкониятидан фойдалан!» (179-бет. З. М. Буниёдов. «Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати»). Фарқ ўз-ўзидан аёндир. Бунинг устига хат 1230 йили ёзилган. Маълумки, Чингизхон 1227 йили ўлган, хат ёзилган йиллари эса, унинг ўрнида кенжа ўғли Тулуйхон ўтирарди. М. Сатторов бўлса, Чингизхон ўлмасдан олдин ёзилганга олиб келади ҳамда куракда турмайдиган йўқ сўзларни тиқиштирган. Бундай олди-қочди гаплар кишининг фақат ҳафсаласини пир қилишидан бошқа нарса эмас! Бўёқчилик ҳам эви билан бўлсачи! Давомида яна нималарни ёзибди, дейсизми? Мана кўринг:

«1227 йили Чингизхон вафот этди. Бу хушхабарни мулозимлари Жалолиддинга етказганларида у хурсанд бўлиш ўрнига жуда маъюс тортиб қолди. Кўнгли хиралашиб, руҳи тушиб кетди. Ахир у Чингизхонни ўз замонасининг буюк лашкарбошиси, муносиб рақиб сифатида жуда ҳурмат қиларди.

Мангуберди Чингизхон ёзиб қолдирган давлатбошилик, саркардалик қоидалари битилган «Яса» («Ясоғ» сўзининг ёзилиши шундай бўлгач... Ҳ. З.) ни кўп бора ўқиб, вазирларига ўқитиб, мазмунига қойил қоларкан, уни яхши ном билан эслаб юрди...» Бунда ҳам муаллиф Жалолиддин отасига очмаган азасини Чингизхоннинг ўлимига очдириб юборибди-ку! Бундай «нодир манбани» қаердан топдийкин, ҳурматли муаллиф. Бу ахир «ноёб янгилик-ку!»

«1231 йилнинг август ойида тунда ширакайф Жалолиддин қўрасига мўғул аскарлари ҳужум қилди. Соқчилар ўзини йиғиштириб олгунларича, бир гуруҳ мўғул аскари Жалолиддинни отга боғлаб олиб қочди. Йўлда ўзига келган султон қўлини бўшатиб, ёнидаги мўғул аскарининг қиличини тортиб олди, тўрт мўғулни ўлдирди ва ўз жонини сақлаб қолди», деб ёзади муаллиф. Қизиғи шундаки, у Жалолиддинни худди гўдак болани олиб қочгандай қилиб тасвирлабди, Жалолиддиннинг аскарлари эса, чапак чалиб қолаверибди экан-да! Устига устак «Жалолиддин йўлда ўзига келиб, ёнидаги мўғулнинг қиличини тортиб олиб, тўрт мўғулни ўлдирибди, жонини сақлаб қолибди» эмиш. Қуруқ сафсаталардан иборат сўзлар. Буниёдовнинг юқорида келтирилган китобида: «Хоразмшоҳ Муғонда турган вақтида мўғулларнинг пайдо бўлишига қарамай вақтини шикорда ўтказди. Ўша ердан қишлов учун бўлиб ташланган қўшинларига чопар юборган. Бироқ, Жалолиддиннинг чопари у ерларга етиб боргунга қадар мўғуллар олдинроқ унинг қишловдаги қўшинларига ҳужум қилганлар. Жалолиддиннинг қўшинларини йиғиб олиш ҳақидаги ўйлари натижада чиппакка чиққан. Бу ҳам етмагандай мўғуллар Хоразмшоҳни шикордаги изига ҳам тушганлар ва тунда унинг лашкаргоҳига ҳужум қилганлар. Хоразмшоҳ қутилиб қолишга муваффақ бўлган», деб ёзилади (183-бет). Бунинг фарқи ҳам ўз-ўзидан равшан.

Газетадаги очеркнинг бошига «Меросимизни ўрганамиз» деган рубрика ҳам қўйилган. Нима, биз меросимизни ана шу тарзда ўрганамизми?! Нафсиламбрини айтганда муаллиф таъкидлагандек, агар ўтмиш тарихимиз ана шундай боши-кети йўқ воқеа-ҳодисалар билан тўлиб-тошган экан, бундай тарих билан қандай «мақтанишингни» ҳам билмайсан, одам. Она тарих олдида хоҳ тарихчи бўлайлик, хоҳ риёзиюн бўлайлик, хоҳ фалакшунос бўлайлик, хоҳи оддий ишчи-ходим бўлайлик, бирдек масъулмиз.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИНОВ.

НУР ВА ЗУЛМАТ КУРАШИ

ТУРҒУНЛИК йилларида, ҳатто яқин-яқинларгача халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи тарих фани соҳасида ҳақиқатни ёзувчилар таъқиб остига олинди. Узоққа бормайлик, тарихчи адиб Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романига ва умуман Бобур шахсига қарши миллий маданиятимизни оёқости қилувчиларнинг хуружлари эсимиздан чиққани йўқ ва чиқмайди ҳам. Амир Темур даврини ва ҳатто унинг номини тилга олганлар ҳам таъқибга учрарди. Энди, ижтимоий покланиш ва янгиланиш даврида олис тарихимизнинг мураккаб ва чигал муаммолари ҳақида баралла гапириш замони келди.

Халқлар тарихи ҳам ана шу маданий муҳитнинг муҳим таркибий қисмидир. Турғунлик йилларидаги бўғиқликдан қутулишга уриниб, эндигина яна она тарихимиз саҳифаларининг чангини артувчи истеъдодли олимларимиз етишиб келганида, яна баъзи касбдошларнинг бир-биридан ғоявий ва сиёсий хато излаб топишга уриниши, афсуски учраб турибди. Бу халқимизнинг, тўғрироғи, айрим зиёлиларимизнинг қолоқ одатларидан биридир.

Узоқ йиллар давомида тарихимизнинг қоронғу саҳифаларини баҳоли-қудрат ёритишга уриниб, шу соҳада анча-мунча бадеа ва лавҳалар ёзган Ҳабибулло Зайниддинов ёш ҳамкасби Маҳмуд Сатторовни шу сафга қўшилаётганлиги билан табриклаш, қувониш ўрнига унга ҳужум бошлаб, ер билан яксон қилишга уринади. Биз ушбу ўринда М. Сатторов билан Ҳ. Зайниддинов баҳсига ҳакамлик қилмоқчи эмасмиз. Бизнинг камтарин ниятимиз, иккала олим баҳсига учинчи томон сифатида аниқлик киритиш холос.

«Масаланинг иккинчи, ахлоқий жиҳати ҳам борки, — деб ёзади Ҳ. Зайниддинов, — айни шу «мақтаниш» деганда ўқувчининг ўз халқи тарихи борасидаги билимини ошириш ўрнига, дангал айтиш мумкинки, зимдан кимга нисбатандир гиж-гижлашнинг ўзгинасидир. Тарихий ҳаққониятни бу тарзда талқин этиш миллий масала умумхалқ тусини олган ҳозирги кунда айрим ғаразгўй кимсалар ва буржуа мафкурачилари тегирмонига сув қуйиши турган гап». Ажабо, «Ҳар бир халқнинг тарихида турлича кўтарилиш ва пасайиш даврлари бўлиб ўтган» деган гапнинг нимаси хато экан?

Яна Ҳ. Зайниддинов: «Ибн Арабшоҳ, Ибн ал-Асирларнинг Жалолиддинга бағишланган мустақил бир асар ёзганликлари тарихда учрамайди» дейди. Бу ерда муаллиф М. Сатторовнинг бадеасидаги фикрни бузиб талқин қилади. Бадеа муаллифи «Бу давр, унинг атоқли вакиллари ҳаётидан энг аввало ўтмишимиз тарихчилари Ибн Арабшоҳ, Ибн ал-Асир, Рашидиддин, Наршахий, Насавий, Давлатшоҳ Самарқандий, Бартольд, Бертельс, Владимирцов, Якубовский, Греков, З. Буниёдов, И. Мўминов... ва бошқалар бир қатор илмий-бадиий асарлар ёзганлар» дейди. Аммо, бизнингча, М. Сатторов бадеада фақат Жалолиддин ҳақидаги асарларни эмас, балки «Хоразмшоҳлар даври» ва унинг атоқли вакиллари тўғрисидаги асарларни кўзда тутади. Хоразмшоҳлар даврини муаррих Зиё Буниёдов 1097—1231 йиллар деб белгилайди. Бу даврда Султон Жалолиддиндан бошқа яна юзлаб тарихий шахслар юзага чиққан. Хусусан, Султон Санжар, Низомулмулк, Ҳасан Саббоҳ, Қутбиддин Ойбек, Шамсиддин Элтутмиш, малика Розия (Ҳиндистонда), Нуриддин, Салоҳиддин, Малик Солиҳ, малика Шажарат ат-дур, Изиддин Ойбек Туркман (Мисрда), Александр Невский (Русда) ва бошқалар бор эди.

Ана шу давр тарихидан мукаммал илмий асар ёзган Зиё Буниёдов «Хоразмшоҳлар тарихи» китобида Ибн ал-Асир ва Ибн Арабшоҳ асарларига кўп марта мурожаат қилади. (196—221-бетлар).

Ажойиб шарқшунос олим Е. Э. Бертельс тадқиқ этган мутасаввуфларнинг кўпчилиги (Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий ва бошқалар) «Хоразмшоҳлар даврида яшаган. Жалолиддин Румий мўғуллар босқини туфайли ватанидан бош олиб кетганлиги маълум. Давлатшоҳ «Тазкират ушшуаро»сининг Рашидиддин Ватвот, Адиб Собир Термизий ҳақидаги бобларида Хоразмшоҳлар тарихи бор.

Ҳ. Зайниддиновнинг яна бир фикрида мантиқий чалкашлик бор. У, М. Сатторовнинг «Хоразмшоҳлар салтанати... ўз даврининг юздан ортиқ давлати, миллат ва элатларини бирлаштирган»лиги тўғрисидаги фикрини нотўғри деб ҳисоблайди: Аслида Мўғуллар «тарихларда йигирма етти мамлакатни бўйсундирган дейилади. Юздан ортиқ давлат ҳазилакам гапми? Қолаверса, «бирлаштириш» деган сўз тўғримикан? Қойил-е, ҳар қанча лоф-қоф бўлса шунчалик бўлади-да!..» — деб ёзади у. Бироқ бу ерда М. Сатторов «юздан ортиқ давлат» демаган, балки «ўз даврининг юздан ортиқ давлати, миллат ва элатларини» деган. Хоразмнинг ўша вақтдаги сарҳадларини (Ироқдан Ҳиндистонгача, Орол денгизидан Ҳинд океанигача — З. Буниёдов. Хоразмшоҳлар тарихи. 82-бет) назарга олсак, у ерлардаги элатларнинг ўзи юздан ошиб кетади. (Ҳозирги Ўзбекистоннинг ўзида юздан ортиқ миллат ва элат, уруғлар яшайди).

Энди Чингизхоннинг Хоразм давлати билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга уриниши масаласини олайлик. М. Сатторовнинг «Чингизхон Хоразмшоҳ салтанати ўз давридаги энг катта ва қудратли давлат эканлигини яхши тушунарди», деган фикри, шунингдек, Чингизхон Хоразм билан яхши муносабат ўрнатишга уринди» деган фикрига Ҳ. Зайниддинов эътироз билдириб, уринганмикан, ростдан ҳам?» деб савол беради. Ҳолбуки, Ҳ. Зайниддиновга таниш бўлган З. Буниёдовнинг «Хоразмшоҳлар тарихи» китобида Чингизхоннинг Хоразмшоҳ билан яхши муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилганлиги муфассал тасвирланган.

З. Буниёдов асл манбаларга суяниб, Чингизхон давлати Хитойни босиб олишидан аввал Хоразмшоҳнинг ҳам шундай ниятда бўлганлигини ёзади. Хоразмшоҳнинг дабири (котиби) Имод ал-мулк Тожиддин Жомий, тарихчи Жузжонийга айтишича, 1214 ёки 1215 йилда Алоиддин Муҳаммад савдогарлардан Хитойнинг ғаройиб бойликларини эшитиб, ўша давлатни забт этишни ният қилган экан. Сарой аъёнлари Хоразмшоҳни бу фикридан қайтаришга уринишган. Тўғри, М. Сатторов бадеасида дўстона алоқа боғлашга фақат Чингизхон уринган-у, Хоразмшоҳ қаршилик қилган, деган фикр борки, бу унчалик тўғри эмас. Ҳ. Зайниддиновнинг Чингизхон дўстона алоқа боғлашга уринмаган, деган фикри эса мутлақо нотўғри.

Аслида, 1215 йил июнида Чингизхон Хитойни эгаллагач, Хоразмшоҳ унинг ҳузурига машҳур Саййид Баҳовуддин Розий бошчилигида элчиларини юборган. «Чингизхон Баҳовуддин Розийни иззат-ҳурмат, илтифот-тавозеъ билан кутиб олди. Элчилар Хоразмга қайтаётганида Чингизхон Хоразмшоҳ учун жуда кўп ноёб совға-саломлар бериб элчига: «Хоразмшоҳга айтгин, мен — Машриқ ҳукмдори — сен Мағриб ҳукмдори! Кел, орамизда дўстлик ва тинчлик ҳақида қатъий аҳднома бўлсин. Иккала тарафнинг савдогарлари борди-келди қилишсин. Менинг ерларимдаги ноёб ва оддий мол-буюмлар — сен томонга, сенинг молларинг мен томонга келиб турсин», — деган. Чингизхон Хоразмшоҳга, М. Сатторов эслатганидай, ғоят ноёб совғалар юборган. Улар орасида Чин-Мочин тоғларидан қазиб олинган, туянинг ўркачидай келадиган олтин ёмби алоҳида аравага жойланган. Беш юз туяли савдо карвонида ҳам Чин шойи-кимхоблари қундуз-мўйналар, олтин-кумуш буюмлар бор эди. Бу дўстлик карвонини Хоразмшоҳ Бухорода кутиб олиб, унга жавобан муносиб карвон жўнатган.

Лекин З. Буниёдов асл манбалар асосида ёзишича, дўстона алоқаларнинг бузилишида Чингизхон эмас, Хоразмшоҳ айбдор эди. Чингизхон Хоразмга кейин ҳам мусулмон савдогарлари, эъзозли кишилар орқали беҳисоб совға-саломлар етказиб тургани тарихий ҳақиқатдир.

«Хоразмшоҳлар тарихи» китобида З. Буниёдов «Қошғар ва Хўтан аҳолиси мўғулларни ўз ҳалоскоридай кутиб олдилар, бир вақтда ҳамма жойда Найман подшоси Кучлукхон зулмига қарши оёққа турдилар», деб ёзади. М. Сатторов Чингизхон Кошғар ва Хўтан мусулмон аҳолисини «зўравонликдан қутқарди» дейиш ўрнига «хитойлик мусулмонларни» деб янглиш айтган. Бу хатони Ҳ. Зайниддинов тўғри кўрсатган. Аммо у танқид қилишга қизиқиб ва қизишиб кетиб, З. Буниёдовнинг тарихий асосли маълумотларини ҳам инкор қилади.

Гап шундаки, ўша вақтда Хоразмшоҳ билан Кошғар ва Хўтондаги Найманлар ҳукмдори Кучлукхон уруш ҳолатида эдилар. Христиан ва буддавийликни қабул қилган Кучлукхон мусулмонларни зўрлаб, ислом динидан қайтаришга уринган. «Қуръон» ва шариатга амал қилувчиларни жазолаган, азон айтиб, номозга чақиришларни тақиқлаган. Мусулмон дини пешволарини зиндонга ташлаб, мадраса дарвозасига осган.

«Мана шу воқеаларга Хоразмшоҳнинг муносабати ҳайрон қоларлидир, — деб ёзади З. Буниёдов. — У энг катта мусулмон давлатининг етакчиси бўлатуриб, шундоқ кўзи олдида жабр кўраётган мусулмонларни ҳимоя қилишни хаёлига келтирмай, халифа Носирга қарши урушиш билан банд эди. Шарқдан келган Чингизхон бошчилигидаги буддавий мўғуллар буддавий Кучлукхон томонидан жабрланган Кошғар ва Хўтон мусулмонларини ҳимоя қилишлари янада ҳайратланарлидир». («Хоразмшоҳлар давлати», 130-131-бетлар). Чингизхон лашкарбошиси Жэбэ нўён қўшинлари Кучлукхон давлати ўрамига кириш олдидан мусулмонларга ҳеч қандай зиён-заҳмат етказмасликка ваъда берган. Ва З. Буниёдов таъкидлаганидай, ваъдасининг уддасидан чиққан. Помирдаги маҳаллий овчилар мўғуллардан қочаётган Кучлукхонни тутиб, уларга тақдим қилишган. Мўғуллар унинг бошини кесиб, олиб кетишган.

Хоразм давлатининг мўғуллардан енгилишига жуда катта таъсир кўрсатган яна бир омилга тарихчиларимиз кўпинча эътибор бермайдилар. М. Сатторов ҳам ўз бадеасида бу масалага унчалик эътибор бермаган. Гап шундаки, Хоразмшоҳнинг дўқ-пўписаларидан ва қўшинларидан кўп зарар кўрган Алоиддиннинг ноиблари унинг фармони билан халифаликка қарашли кўпгина мамлакатларни босиб олиб, халифанинг лашкарбошиларини қатл этишган. Безиб қолган халифа Носир тарихий манбаларга кўра (ибн Восил ал-Мақризий, З. Буниёдов Чингизхонга нома юбориб, Хоразмни босиб олишга даъват этган. Шу тариқа Чингизхон босқини арафасида Хоразм давлати (илгари салжуқ султонлари қилганидай) мусулмонлар пойтахти Бағдодни босиб олишга интилиб, барча ислом давлатларини, Ҳ. Зайниддинов тўғри таъкидлаганидек, бирлаштирмаган, балки парокандаликка олиб келган. Тўғри, М. Сатторов бир давлатга «бирлаштирган» деган маънода ёзган. Мўғул истилочилари эса юқорида айтилганидек, дастлаб мусулмон аҳолини ҳимоя қилган (Чингизхон элчилари ва карвонлари орасида жуда кўп обрўли мусулмонлар — олимлар ва савдогарлар борлиги маълум).

М. Сатторов «Жалолиддин Мангуберди» бадеасида Жўжжи қўшинлари билан урушни биринчи бўлиб Хоразмшоҳ бошлаганлигини З. Буниёдов келтирган манбаларга асосланиб, тарихан ҳаққоний тасвирланган. Одатда, Ўтрор ҳокими Инолхон (М. Осим асарида — Инолчиқ) — миллий қаҳрамон қилиб кўрсатилади. Аслида у Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун авлодидан бўлиб, Хоразмшоҳдан қолишмайдиган очкўзлиги туфайли, савдогарлар молини талаган. Чингизхон юборган тўрт юз эллик мусулмон ва бир қанча мўғул элчи ва савдогарларни айбсиз ўлдиртирган.

Дастлаб қорахитойлардан жабр чеккан ва Ўтрорда бегуноҳ ўлдирилган мусулмонларнинг тарафини олган мўғуллар (аслида бу Чингизхонга бир баҳона бўлди) кўп ўтмай, қишлоқ ва шаҳарларни талаб, ўт қўйиб, асир тушган мусулмонларни қул қилиб, жангларда ўз отлиқ қўшинлари ўлими эвазига йўл очтириб, шафқатсиз қиёфаларини кўрсатдилар. (Тўғри, улар ихтиёрий бўйсунган Зарнуқ ва Нур аҳолисига тегмадилар).

М. Сатторовнинг Жалолиддин Шимолий Ҳиндистонда Шатра подшосини яккама-якка жангда енггани ҳақидаги фикрини Ҳ. Зайниддинов «уйдирмалардан бошқа нарса эмас», деб ҳисоблайди. Аслида, М. Сатторовнинг бу фикри уйдирма эмас, ҳақиқатдир. У бу ерда ҳам «Хоразмшоҳлар тарихи»га асосланган: «Рана, (подшо)минг отлиқ ва беш минг пиёда аскари билан Жалолиддинга ҳужум қилди. Жалолиддин эса «ўз одамлари қатъиятига матонатини ҳам қўшиб, ўзи ҳиндуларга ҳужум қилди ва шахсан ранани ҳалок этди. У (рананинг) қўшини тарқаб кетди, султон жангчилари эса зориқиб турган отларни, қурол-яроғ ва озиқларни қўлга киритдилар». (158-бет, Насавий сўзларига асосланган). Йўлда Жалолиддинга қариндошлари (укаси Ғиёсиддин амирлари) қўшилгани ҳам тўғри. Аммо М. Сатторовнинг Деҳли султони Шамсуддин Элтутмиш 30 минг отлиқ ва 100 минг пиёда аскари билан Жалолиддинга қўшилган деган фикри баҳслидир. Воқеа бундай бўлган. «Шу пайт Жалолиддинга хабар келдики, Шамсуддин Элтутмиш унга қарши 30 минг отлиқ, 100 минг пиёда ва 300 фили билан жангга отланибди. Элтутмиш қўшини Жалолиддин илғорига энди ҳужум бошлай деб турганида ҳарб ишлари барҳам топди. Элтутмиш султонга сулҳ сўраб элчи юборди». («Хоразмшоҳлар тарихи» — 159-бет) Элтутмишнинг сулҳ сўрагани унинг қўрқоқлиги, кучсизлигидан эмас, аксинча олижаноблигидан эди. (Биз бу ҳақда «Саодат» журналида босилган «Малика Розия ёки Ширин Деҳлавий» бадеасида ёзгандик — М. М.).

Шу давр тарихининг яхши билимдони, турк олимаси доктор Баҳрия Учоқ «мусулмон давлатларида аёл ҳукмдорлар» китобида Малика Розиянинг отаси Шамсуддин Элтутмишнинг Султон Жалолиддинни ҳурмат билан қаршилаб, у билан урушмай, нозик дипломатия билан жўнатиб юборганлигини ёзади. З. Буниёдов китобида эса Элтутмиш дипломатиядан кўра, мардона ҳақ гапни айтиб, мактуб юборганлиги айтилади. Мактубда Элтутмиш жумладан бундай дейди: «Сир эмаски, сенинг ортингда дин душмани бор. Сен эса бугун мусулмонлар султонисан. Мен сенга қарши боришни хоҳламайман. Мендай инсоннинг сендай инсонга қилич кўтариши ярашмайди!».. Элтутмиш сўзларининг исботи учун Султон Жалолиддинга қизини узатишни таклиф қилади.

Жалолиддин Деҳли султонининг мардлигини тушунди, лекин ҳеч қандай жавоб қилмади (З. Буниёдов — ўша саҳифа). Шундан сўнг Жалолиддин Шероз ва Исфаҳонни забт этади. Укаси Ғиёсиддиннинг барча амирлари унинг тарафига ўтади. Жалолиддин у ерларда тинчлик ва ўзига адолат ўрнатади.

1255 йилда Мароғани жангсиз эгаллаган Султон Жалолиддин салжуқлар султони Алоиддин Қайқубодга Жазира ҳокими Малик ал-Ашрафга, Миср султони Малик ал-Комилга ва бошқа кучли ҳукмдорларга номалар юбориб, улар билан дўстона алоқалар ўрнатади.

Жалолиддинга синглиси Хонсултоннинг мактуби тарихан тўғрилигини Ҳ. Зайниддинов эътироф этгани ҳолда у М. Сатторовни тўқиб чиқаришда айблайди. «Фарзанди борлиги қайси китобда айтилган?» — деб ажабланади. Тўғри, бу ерда М. Сатторов бир қадар ижодий йўл тутган. У Хонсултон мактубидаги дадилликни сезиб, фарзанди (ва ўғил фарзанди) бор аёлгина Жўжжихондай эр номидан гапира олиши мумкин деб мантиқан тўғри хулоса чиқаради. (Аслида, Ҳ. Зайниддиновнинг ўзи ҳам «Муқанна», «Жалолиддин» ҳақидаги лавҳа ва ҳикояларида қаҳрамонлари тилидан ҳеч бир китобда йўқ гапларни айттирган, аммо ҳеч ким ҳали уни тарихни буздинг, деб айбламаган.).

Ҳ. Зайниддинов яна бир ўринда М. Сатторовни Чингиз ўлимига Жалолиддинни «аза очтирган» деб олим касбдошларининг баҳс оҳангидан кўра фельетон оҳангида «танқид» қилади. Ҳолбуки, М. Сатторов бу эпизодни ўзишда атоқли гуржи адиби Григол Абашидзенинг «Ялдо кечаси» тарихий хроника романига асосланган. Г. Абашидзе эса тарихчи Насавий ва Султон Жалолиддин шахсини чуқур ўрганиб, жуда холис ёндашган. Жалолиддин ҳаётининг фожиали охирги дамлари ҳам Шаҳобиддин Насавий ва Григол Абашидзе асарларида худди шундай тасвирланади. М. Сатторов асари бадеалигини, унда ижодий фикрга йўл қўйилишини Ҳ. Зайниддинов тушунмаган кўринади.

Бир сўз билан айтганда, М. Сатторов мазкур бадеасини тарихий хроникал рисола дея даъво қилаётгани ҳам йўқ. Очеркини «тарихий бадиий асарлардан қайдлар» деб атаганининг ўзиёқ бунинг исботидир. Шунга қарамай, у ўз бадеасида тарихий ҳақиқатни бузмаган. Кўп ўринларда тарихий манбаларга асосланган. Айрим бадиий тўқималари бадеа табиатидан келиб чиққандир.

«Жалолиддин Мангуберди» халқимиз тарихининг катта бир даври, бутун бошли бир сулола тақдири ҳақида ихчам жанрда асар яратиш ва уни оммага етказиш йўлидаги бир уриниш, холос. Биз юқорида эътироз билдирган айрим баҳсли хулосаларни ҳам асарнинг сиқиқ майдондаги ҳаракатидан деб билмоқ керакдир.

Биз М. Сатторовга ҳам, Ҳ. Зайниддиновга ҳам кўҳна тарихимиз саҳифаларини халқимизга етказиш йўлидаги изланишларига илҳом ва барака тилаймиз.

Бўрибой АҲМЕДОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори.
Маҳкам МАҲМУДОВ,
филология фанлари номзоди, ёзувчи.

РЕДАКЦИЯДАН: Бир мақола юзасидан билдирилган икки хил тақриз билан танишган муштарийларимизда ҳам фикр айтиш истаги туғилган бўлиши мумкин. Тарихни англашга бўлган иштиёқ ҳаммамизда баравж ўсишга бошлаган туғёнли кезларда бу табиий бир ҳолдир. Келинглар, ўзаро таъна тошларини отишни бас қилайликда, чиндан ҳам фахрланишга ва чуқур мулоҳаза юритишга арзигулик ўтмишимизни ўрганайлик, унинг яхши-ёмон кунларидан сабоқ олайлик. Шу боис ҳам сиз, азиз муштарийларимизнинг ўй-мулоҳазалари биз учун ғоят қадрли.

Мактубларингизни кутамиз.

Абдураимов «Пахтакор»га қайтди

Кечагина қувончли хабар эшитдик. Ўзбек футболининг фидойиси, бир пайтлар мамлакатда донг таратган ажойиб ўйинчимиз Бrandодар Абдураимов яна «Пахтакор»га команда бошлиғи этиб тайинланди.

Ким ҳам қувонмайди дейсиз? Ниҳоят мухлислар нияти ижобат бўлди. Эҳ-ҳе, футбол деса, етти чақирим наридан эшитадиган, елиб-югурадиган ашаддий ишқибозлардан редакциямизга келаётган мактубларнинг охири кўринмайди. Уларни қийнаётган саволлар асосан иккита:

«Пахтакор» қачон олий лигага чиқади?

«Абдураимов «Пахтакор»га қайтадими?

Албатта мухлисларни ҳам тушуниш керак. Баъзан биз ҳам «Пахтакор»нинг тақдири, йиллар давомида барчани ўйлантириб келаётган муаммолари ҳақида аччиқ, аммо ҳаққоний гапларни ёздик. Бу баъзиларга ёқмади ҳам...

Майли, «ўтган ишга саловат» деган халқимизнинг нақли ҳам бор. Энди фақат командамизга омад тилаб, қўлимиздан келганича қўллаб - қувватлайлик. Олий лига деганлари жуда йироқ ҳам эмасдир.

Биринчи лига командалари ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари 8 апрелда бошланади. «Пахтакор» биринчи ўйинни Ленинградда маҳаллий «Зенит» командаси билан ўтказади.

«ДНЕПР» — «БЕНФИКА»... ПУЛИМИЗ ЕТМАСМИШ...

7 март. Европа чемпионлари кубоги. «Бенфика» (Португалия) — «Днепр» (СССР)...

Бу учрашувни барча футбол мухлислари орзиқиб кутишяпти. Аммо ойнаижаҳон кўрсатувларида бу ўйин ёзилмаган. Бунинг боиси нимада? Бу саволга «Советский спорт» газетасида СССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитасининг спорт программалари бош редакцияси бош муҳаррири А. Иваницкий шундай жавоб берган:

— Португалия телевиденияси бу учрашув трансляцияси учун биздан 75 минг швейцар франки миқдорида катта пул сўради. Улар билан олиб борилган келишувларимиз ҳам ҳеч қандай ижобий натижа бермади. Энди ишқибозлар «Бенфика» — «Днепр» учрашувининг иккинчи бўлимини фақат радио орқалигина тинглашлари мумкин...

Европа кубоклари мусобақаларида иштирок этаётган 24 клуб орасида мамлакатимиз шарафини ёлғиз «Днепр»гина ҳимоя қилаётгани барчамизга маълум. Шу ўйинни ҳам кўришдан маҳрум бўлдик. Нима ҳам қила олардик. Командадаги ҳозирги вазият ҳам ўйинчиларга анча салбий таъсир қилиши шубҳасиз.

* * *

5 март куни олий лига командалари ўртасида яна бешта ўйин ўтказилди. Уларнинг натижалари қуйидагича: «Арарат» (Ереван) — «Спартак» (Москва) 1:3, «Помир» — («Динамо» (Киев) — 1:1 «Черноморец» — «Динамо» (Минск) — 3:1, «Динамо» (Москва) — «Торпедо» — 1:2, МАСК — «Шахтёр» (Донецк) 4:0.

ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ

Дорилфунундан сим қоқиб, Талабалар шаҳарчасида «Ўзбек тили байрами» бўлишидан огоҳ этишгач, йўлга чиқдик. В. И. Ленин номидаги метро станциясининг шундоқ ёнида, белгиланган маршрут бўйича қатнайдиган таксилар бор. «9» га навбат кутиб турибмиз. Шу пайт «РАФ» келиб тўхтади.

— Энди маршрут номини фақат ўзбек тилида ёзар эканмиз, — деди ундан тушган ҳайдовчи диспетчер ёнида ҳужжатларини расмийлаштираётган ҳамкасбига қараб.

— Жуда яхши бўлибди-да...

Шунда беихтиёр, Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги Қонунида битилган 24-модда хаёлимда жонланди: **«Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жўғрофий — ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади».**

Машинада кетаётиб, кечагида «Москва» деб номланган меҳмонхонанинг «Чорсу» номини олганини кўрдик. Бу ҳам халқ талаби эди. Мана, у рўёбга чиқди. Шаҳримизда баъзи кўчалар ягона давлат тилида ёзилаётганига ҳам гувоҳ бўлаяпмиз. Тошкент Давлат дорилфунунида ўтказилаётган «Ўзбек тили байрами» ҳам шу қонуннинг амалга оширилаётганидан нишона эди.

— Бугун байрам нишонлаётганимиз бежиз эмас, — дейди биз билан суҳбатда ТошДУ комсомол қўмитаси котиби Равшан Ҳакимов. — Бу келгуси йилнинг февраль ойида буюк мутафаккир ва алломамиз Алишер Навоийнинг таваллудига 550 йил тўлиши муносабати билан бўладиган юбилейга тайёргарлик ҳамдир.

Тилимиз жонкуярлари бўлмиш ўзбек филологияси факультетининг бир гуруҳ ташаббускор талабалари бу хайрли ишга бош-қош бўлишди. Устозлар эса уларни қўллаб-қувватлашди.

Ўзбек тилининг давлат тили мақомини олишида жон куйдирган, халқнинг севимли фарзанди, СССР халқ депутати, ТошДУ ректори Эркин Юсупов талабаларни, устозларни байрам билан қутлади. Ўша куни тилимиз, унинг ўрни, равнақи хусусида илиқ гаплар бўлди. Тил тарихи ҳақида ибратли ҳикоятлар айтилди, ғазаллар, туюқлар ўқилди. Ўзбек тилининг тарихини ўзида мужассам этган турли ўйинлар, рақслар ижро этилди. Дорилфунун Маданият саройининг иқтидорли ёшлари кечага файз бахшида этдилар.

Биз профессор Бегали Қосимовдан байрам қандай таассурот қолдирганини сўрадик:

— Жуда ёқди. Бизда байрамлар бисёр, сиёсий, ижтимоий, миллий... ҳаммасининг ўз ўрни, қадри бор. Шу жумладан, ўзбек тили байрами муқаддас. Минглаб миллатлар бор. Бироқ уларнинг барчаси ҳам ўз тилига эга эмас. Бу уларнинг фожиаси.

Мен ўзбек тили байрамининг чинакам байрам бўлишини истайман, у зўраки бўлмасин. Ҳолбуки, биз ҳанузгача байрам қилишни билмаганмиз.

Домланинг сўзларига қўшилмасдан илож йўқ. Дорилфунундаги байрам — бу тил байрамининг дебочаси. Шу боис у камчиликлардан ҳоли эмас. Истардикки, эътирозлар келгусида инобатга олинса.

Муҳаммад АМИН.









СУРАТЛАРДА: «Ўзбек тили байрами»дан лавҳалар. Муаллиф суратга олган.

Хотира

Умид билан яшаганлар

Клавдия Михайловна суратларни олиб келиш учун бошқа хонага чиқди. Вақт сарғайтириб юборган, йиртилиб кетмаслиги учун орқасига шилдироқ чой қоғози ёпиштирилган газета парчасини қўлимга авайлаб оламан.

«Ўртоқ Миршокир Миркаримов 1925 йил хизматчи оиласида туғилди. 1941 йил мактабни тугатиб, заводда чилангар бўлиб ишлади. 1942 йил кўнгилли равишда Совет Армияси сафига кирди ва немис фашистларига қарши жангларда иштирок этди.

Кўрсатган мардлиги ва жасорати учун ўр. Миркаримов «Жасорати учун» ва «1941—1945 й. Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланди.

Урушдан сўнг заводда ишлади. Киров ноҳия комсомол қўмитасининг ташкилий йўриқчилик бўлими мудири қилиб сайланди. Кейинчалик Бекобод ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ёш коммунист ўртоқ Миркаримов халққа виждонан хизмат қилишда ўрнак эди. У ўз кучи ва билимини ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга сарфлади.

«Алвидо, қадрон дўстимиз! Сенинг ёрқин хотиранг қалбимизда қолажак».

Бу қоғозни Клавдия Михайловна 42 йилдан бери авайлаб асраб келади...

— Мана бу ерда биз урушдан кейин тушганмиз, — деб изоҳ бера бошлайди Клавдия Михайловна. — Бу киши қайнотам. Жуда ақлли, босиқ киши, бирор марта овозини баланд кўтариб гапирганини эслай олмайман. Бу ўғлим, ҳали замон ишдан келиб қолади. Ўшанда энди иккига кирган эди. Бу мен, урушдан олдин тушганман...

Клава 17 яшарлигида урушга ариза бериб кетган. 1942 йил эди. 6 қиз турли юмушларни бажариб юришди: алоқачи, ошпаз, кези келганда ҳамшира. Бироқ қонун чиқмаганлиги учун улар рўйхатларда йўқ эдилар. Фақат бир йилдан кейин қасамёд қабул қилиб, рўйхатга киришди.

Миршокир Ўшдаги 6 ойлик сипоҳилар курсини тугатгач, 3-Украина фронтига, уларнинг 425-дивизиясига взвод командири бўлиб келганди. Взвод ҳаво ҳужумидан мудофаа қиларди. Клава алоқачи эди. Шунчаки гаплашиб юришарди, кейин Клава эшитса, Миршокир ўртоқларига: «Шу қизга уйланаман», деганмиш. Ишонмади, шунақа нияти бўлса, урушдан кейин уйга совчи юборсин, деб бундай гапларга чек қўйди. Бир куни эса ўзининг бир сурати орқасига: «хотиним», деб ёзилганини кўриб қолди, кулгиси қистади, бироқ сир бой бермади, нима ҳам дейди, уруш, бирор нарсага умид қилиб яшаган ҳам яхшида...

Ғалабадан сўнг Клава истеъфога чиқди, Миршокир эса ҳали хизматда эди. Клава туғилган юрти — Харьков вилоятидаги Шенячье қишлоғига қайтди. Август ойи эди. Меҳнат фронти бошланди.

— Билмадим, ёш бўлган эканмизми, қийинчиликлар унча сезилмасди, — жилмайди Клавдия Михайловна, — уйда мени турмушга бериш пайига тушишди. Отамнинг ўртоғини ўғлига. У ҳам урушда қатнашган, ногирон бўлиб қайтган эди. Шунда мен ҳатто ўзим ҳам тан олишни истамаган ҳолда Миршокирни кутаётганимни тушиндим. Бошқага турмушга чиқишни истамай, ҳатто ўзимни сувга чўктирмоқчи ҳам бўлганман.

Бироқ кутилмаганда, тақдир экан-да, сентябрь ойининг охирлари Миршокир келиб қолди. Клавага: «Сенга уйланаман, рози бўлсанг бас, у ёғини менга қўйиб бераверг», деди. Украинада у пайтлар бунақа ишларга жуда қаттиқ қарши туришарди. Уйидагилари кўнишмади. У деса, бу дейишди, бу деса у. Охири расм-русмларга кўра, сўнгги сўзни Клаванинг бувиси айтадиган бўлди. Шунда Клава бувим йўқ деб қўймасин, деган қўрқувда шартта турди-ю: «Кейин бирга яшаймизми йўқми барибир, ташлаб кетса ҳам майли, бироқ бир кун менинг куним бўлади!» деди.

— Шундай қилиб, Миршокир мени олиб кетди, — давом этди Клавдия Михайловна. — Қайнотам билан қайнонам жуда яхши кутиб олишди. Қўйгани жой топа олишмади. Миршокир қадрдон заводига цех мастери бўлиб ишга кирди. Комсомол ишларига берилиб кетди. Уни завод комсомол қўмитаси котибининг ўринбосари қилиб сайлашди. Ҳалигача эсимдан чиқмайди,— кулиб юборди Клавдия Михайловна. — Ўша вақтлар Юнусобод даҳасидан ул-бул экишга ер бериб қолишди, денг. Тажрибасизликни қаранг, келиб-келиб маккажўхори экибмиз. Бир куни, пишиқчилик пайти жўхори поясини ўшанча жойдан уйга кўтариб келишга ундабман, ҳалигача куламан: «Клава, қўлим узилиб кетади, чириб кетмайдими менга деса, отиб юбораман!» дейди. Мен қўрқиб кетаман: «Бирозгина чида, қўшнимизга элтсак, эчкиси бор, сут беради». У бироз жим кетади, кейин яна ўша гап.

Ўша йили Миршокир Киров ноҳия комсомол қўмитасининг ташкилий йўриқчилик бўлимига мудир қилиб сайланди. Кўп ўтмай Бекобод ноҳия комсомол қўмитасининг котиби бўлди. Эрта кетиб, кеч келарди. Рўзғор ишлари-ю, икки яшар ўғиллари Клаванинг зиммасида қолди. Уй совуқ, ўчоқ ёқишга ўтин йўқ. Охири қийинчиликлар жонига тегиб кетди, нолишга тушди. Шунда Миршокир уришиб берган эди: «Бошқалардан ортиқлик жойинг йўқ, керак бўлса тезак топиб ёқасан!». Ошпаз бўлиб ишга кирди. У пайтларда машина қаёқда дейсиз, от билан далага чиқиб, ўша ерда овқат пиширар эди. Урушдан кейинги йиллар ипак жуда керак, ҳозир пахта қандай бўлса шундай.

— Ўша куни кир юваётган эдим, — узоқ жимликдан сўнг хотирлай бошлади Клавдия Михайловна, — бир пайт комсомол йигитлар келиб, тез касалхонага етиб борармишсан, деб қолишди. Қўлимни апил-тапил артдим-у, касалхонага чопдим. Бир неча кун илгари Миршокир аллақайси кимсалар тут баргини кесиб кетишаётганини айтган эди. Ишга зараркунандаларни барибир топаман, деб чиқиб кетувди. Унча жиддий эътибор бермагандим бу гапларга.

Касалхонага келдим, ўқ кўксига теккан экан. Бир соатдан ортиқроқ яшади...

Шундай қилиб бир учрашув тарихи ниҳоясига етди. Ўшанда Миршокир 23 ёшда эди...

Клавдия Михайловна Ўзбекистонда қолиб кетди. Комсомолда, мактабда ишлади. Ўғлини вояга етказди, уйли-жойли қилди, невара кўрди. Ҳозир невараси ҳам олий ўқув юртида таҳсил олмоқда. Ахир у воқеаларга ҳам 42 йил бўлибди-да.

— Устарасини сақлаб қўйганман, ҳозир ўғлимга теккан, — деди мени кузата туриб Клавдия Михайловна, — Бирга тушган суратимизни катталаштириб берамиз, деб ваъда қилишди, уйга осиб қўймоқчиман...

Фурқат НЕЪМАТ, «Ёш ленинчи» мухбири.

Бахтли бўлиш ҳуқуқи

РЎЗНОМАНИНГ АХЛОҚ БЎЛИМИГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ ЎҚИБ...

«Айрим йигит-қизлар гўзалликни инсоннинг юзига, кўзига ёки бўлмаса кийинишига қараб белгилашади. Тўғри, ҳар қандай одам бежирим, озода, ўзига ярашганини кийиши керак. Аммо буларнинг ҳаммаси унинг қалбини намоён қила олмайди. Энг муҳими, инсоннинг юраги тоза бўлиши даркор. Зеро, ана шу хислат ҳам инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатидаги мезонни белгилайди. Модомики, севги инсонларга хос туйғу экан, у асло чирой танламайди. У шоҳда ҳам, гадода ҳам бир хил кечади. Бу ерда уни қадрлай билиш, уни тўғри англаб етиш муҳимдир». Бу сатрлар Фарғона вилояти, Ёзёвон ноҳиясидаги А. Навоий номли мактабнинг ўқитувчиси Н. Ҳайдаровнинг мактубидан келтирилди. Хат муаллифи мактабда «Оила этикаси ва психологияси» фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб, улар билан ҳаёт ва унда шахснинг тутган ўрни хусусида мунозара юритиб келишаётгани, яқинда 10-синф ўқувчилари ўртасида «Гўзаллик деганда нимани тушунасиз?» мазмунида савол-жавоблар ўтказилганини баён қилган. Ўқувчилар ўз жавобида бугунги ёшларнинг жамиятдаги роли беқиёс ошганлиги, аммо ҳамон айрим йигит-қизлар ўзларини тенгдошлари ўртасида тута билмасликлари, севиб-севилишда ота-оналари билан фикри бир ердан чиқмаётгани, натижада ёш оилаларнинг арзимаган сабаблар билан ажрашиб кетишаётганидан ташвишга тушаётганликларини изҳор қилишган.

На чора, ўқувчилар ва уларнинг фикрини қоғозга туширган хат муаллифи бутунлай ҳақ. Буни ҳар куни олаётган хатларимизнинг мазмуни, редакцияга бўлаётган қўнғироқлар, ўзаро суҳбатларда ҳам яққол сезиб турибмиз. Яқиндагина бир-бирларини бирор соат кўролмаса юрак-бағри узилиб кетадиган йигит-қизлар турмуш қуришгач, бутунлай бегона бўлиб кетишаётгани, адашиб турмуш қурганлар ёки шошиб уйланиб қўйганлар сони кун сайин кўпаётгани бизни ҳам ташвишга солмоқда. Ёш оилалар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қайд этилаётган ҳар уч никоҳнинг бири жуда қисқа вақт ичида бекор қилинмоқда. Биз истаймизми, ёки йўқми шу йўл билан болалар сағир қолишяпти.

Жуда қадимдан маълумки, шарқ халқлари ўз оилаларининг барқарорлигини муқаддас билишган. Улар турмушнинг осойишта бўлиши учун ҳатто жонларини аямаганлар. Энг муҳими, бир-бирларини кечира билишган. Ширин сўзлилик, меҳр-оқибатлилик авлодларимизга хос энг яхши фазилатлардандир. Шу нарса маълумки, бугунги кунда японлар, ҳиндлар ва бошқа шарқ халқлари қадимги удумларни қаттиқ сақлаб келишмоқда. Улар ҳар қандай шароитда ҳам ўз оилаларининг муқаддаслиги учун куйинишади. Ўтган йили Ҳиндистонда бўлганимда суҳбатдошларимдан мамлакатда қўйди-чиқдилар хусусида кўп суриштиргандим. Дастлаб улар менинг саволларимга ажабланиб қарашди. Аммо мақсадимни англашгач, онда-сонда бўлса-да, никоҳни бекор қилиш ҳоллари учраб туришини тан олишди. Аниқ бўлмаган ҳисоб-китобларга қараганда қарийб 800 миллион аҳолиси бўлган мамлакатда ажралишган оилалар бор-йўғи 4 фоизни ташкил қилар экан. Яна шуни айтиш кераки, бу ерда оила иттифоқи қоғозда қайд қилинмайди. Йигит ва қиз диний маҳкамаларда никоҳдан ўтишади. Уларнинг бир-бири олдидаги сўзи катта кафолот. Энг қизиғи, оила қуришда ёшлар ўртасидаги муҳаббат асосий восита эмас. Аксинча, ҳар икки оиланинг бир-бирига мос келиши катта гап. Никоҳнинг расмий қайд этилиши бўлмаганидек, унинг бекор қилиниши ҳам ҳужжатлаштирилмайди. Яна бир муҳим томони шундаки, эр ажралишдан сўз очиш ҳуқуқидан маҳрум. Чунки тўй харажатларини келин томон кўтаргани учун фақат аёл кишигина, агар лозим топса, никоҳни бекор этиш масаласини қўяди. Фақат икки ҳолатда: яъни агарда хотини эрига хиёнат қилса, ёки бўлмаса у 7 йилгача фарзанд кўрмаган тақдирдагина эркак ҳам ажралишни талаб этиши мумкин.

«1988 йилнинг май ойида никоҳ тўйимиз бўлди, — деб ёзади Сурхондарё вилоятидан А. Халилова, — **мен ҳам ўзга хонадонга келин бўлдим. Ўша дамдан бошлаб бахтиёр эдим. Афсуски, бу қувончим узоққа чўзилмади. Қайнота уйига сиғмай қолдим. 15 кун деганда бизни ажратишиб, бўлак уйга чиқаришди. Бу, рости, менга алам қилди. Чунки оиламиз кўпчилик бўлиб, шунга ўрганиб қолган эканман. Нега, биз яккамаховга ўхшаб яшар эканмиз, дея куйинардим. Хуллас, турмушимиз илитилган ошга ўхшарди. Уриш-жанжаллар, ҳақоратлар кўпайди. Ичимдагини бировга айтсам, ҳеч ким ишонмайди. Бахтимни шундай тупроққа қориштириб ташлашди».** Бу мактуб одамни ўйлантириб қўйиши табиий. Яқинда танишларимдан бири келин туширганди. Бадавлат оиланинг қизи, деб тўйдан олдин роса ноғора чалишди. Маърака ҳам жуда зўр ўтди. Оғизни кўпиртириб сарполар ҳақида гап бўлди. Энди эса келин «ёмон отлиқ» бўлиб қолди. Тўғри, у бироз рўзғорга уқувсиз бўлиши мумкин. Чунки тиббиёт институтининг 2 курсида ўқийди. Уйида бироз тантиқ ўсган. Уни тўғри йўлга солиш ўрнига, ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ дейиш шартми? Билмадим, ёш оилани келажакда нима кутаяпти.

Хуллас, бўлимда шунга ўхшаш у ёки, бу томондан нолинган мактублар сероб. Биз бир тарафнинг ёнини олишдан анча йироқдамиз. Зеро, бахтиёр бўлиш ҳуқуқи ҳар кимнинг ўзига берилган. **Андижон вилоятидан Р. Уринова, Ф. Носирова, Фарғона вилоятидан Н. Жўраева, Самарқанд вилоятидан А. Санаев, Хоразм вилоятидан М. Қиличева, Сурхондарё вилоятидан Н. Худойназаров, Тошкент вилоятидан А. Тўлаев** ва бошқа муштарийларнинг бизга йўллаган хатлари мазмуни бир-бирига ўхшашдек туюлса-да, ҳар бирида ўзга тақдир, бетакрор воқеалар қаламга олинган. Ўқувчиларимиз ўзларини ташвишга солган, бевосита гувоҳи бўлган ёки бўлмаган ва ҳаёт мушкилотларига тушиб қолган яқинлари ҳақида ёзиб юборишган. Воқеаларнинг кўпчилиги билвосита хат муаллифларининг ўзларига тааллуқли. Мактуб муаллифлари у ёки бу масалада ёрдам сўрашади. Муҳаббат кучасига кириб, унинг машаққатларини биз орқали ҳал этмоқчи бўлишади. Афсуски, бунинг иложи йўқ! Ҳар бир қалб ўз дардига ўзи малҳам бўлиш қудратига эга. Ташқаридан унга дори-дармон юбориш — кўп ҳолларда қалбга оташ бўлолмайди.

«Сизга биринчи бор мактуб йўллашим, — деб ёзади Тошкент шаҳридаги Калинин даҳасида яшовчи мухлисимиз Фируза Муҳиддинова. — **Эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеалар қўни-қўшнилар, таниш-билишлар турмушидан олингандир. Шулардан бирини келтираман. 1962 йилда туғилган. З. исмли аёлни яхши биламан. У шу ёшгача уч бор оила қурди. Ажралишига фарзанд бўлмаётгани баҳона эмиш. Яқинда у 45 ёшли бир эркакни топибди. Уни уч боласидан маҳрум этиш — даҳшат! Наҳотки, бу тенгдошим ўзгалар бахтига ўз тахтини қура олмаслигини англай олмаса!»** Тан олиб айтиш лозимки, ҳаётимизда ўзини ўйлайдиган, ўзгалар фароғатига чанг соладиган ношудлар топилиб туради. Аксинча олиб, кейинги вақтда уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Ҳозир негадир ҳеч ким ҳеч нарсадан қўрқмайдиган кўринади. Айримлар тап тортмай кўнгли тусаганини амалга ошириш иштиёқида бўлишади. Худди шу нарса ҳам турмуш тарзимизга соя ташламоқда. **Тошкент шаҳридан Р. Менгиров, андижонлик Г. Юнусова, фарғоналик А. Мамажонов, самарқандлик З. Алибоеваларнинг мактубларини ўқир экансиз, уларнинг рўзномада босилаётган одоб ва ахлоқ мавзуидаги мақолаларни мунтазам кузатиб боришаётгани, биз тилга олган воқеалар уларнинг ҳаётида ҳам юз берганини изҳор этишиб, бу кўнгилхираликларни бартараф этишда кўмак кутишади.**

Яна бир туркум хатларда миллий урф-одатларимизнинг оёқости қилинаётгани — бахтиёрлигимизга тўғаноқ эканлиги куйиниб ёзилган. Муштарийларнинг фикрича, ҳозирги кийинишимизда миллийлик йўқлиги, гап-сўзимиз қўполлашиб кетгани, ахлоқимизга зид бўлган фильмларнинг бот-бот намойиш этилаётгани ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. **Тошкент шаҳридан С. Муҳаммадаминов, Наманган вилоятидан К. Жўраева, Андижон вилоятидан Т. Шерматов, Фарғона вилоятидан А. Баҳриддинов** ва бошқаларнинг бизга йўллаган мактубларида ҳам худди ана шу масалалар хусусида жон куйдирилган.

Биз ҳар бир инсоннинг бахтиёр бўлиш ҳуқуқи ўз қўлида, дедик. Уни оқилона бошқара олиш ҳам ҳар бир йигит ва қизнинг ўзига боғлиқ. Тўғри, бу борада ота-оналар, яқин қариндош-уруғлар ажойиб ўрин тутиши мумкин. Аммо сўнгги сўзни ёшларнинг ўзлари айтишади. Уларнинг қалби нимага интиқлиги фақат ёшларнинг ўзларига маълум. Биз эса бу оғир ва машаққатли юмушда йигит-қизларга фақат омад тилаймиз, холос.

И. УСМОНОВ.

ТВ

8 МАРТ ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому-алайкум». Мусиқий ахборот. 10.00 «Рўшона Султонова рақсга тушади». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 10.25 «Нодирабегим». Бадиий фильм («Ўзбекфильм») 11.55 «Қизлар мушоираси». Адабий кўрсатув. 12.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оналарга таъзим» Тошкент шаҳар Октябрь ноҳиясида яшовчи аёллар билан учрашув. 13.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дил торларин чертиб...». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган кўрсатув. 14.45 «Санъат усталари». ЎзССР халқ артисти Турсуной Жаъфарова.

* * *

17.20 Кўрсатувлар программаси. 17.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Яхши совға». 18.10 «Нафосат». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган программа. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Сурхондарё вилояти Ленин йўли ноҳиясидаги «Қўнғирот» фольклор ансамбли ижро этади. 20.30 «Ахборот». 20.50 Юлдуз Усмонова куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Аёл меҳри оламни безар...». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам программаси. 23.50 Кўрсатувлар програмаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Ўзбек балети хорижда» (рус тилида). 19.50 «Санников ери». Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.20 «Индамас». Ҳужжатли фильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Боз як барномаи чавони».

● МТ I

8.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 8.45 «Охирги қуён». Мультфильм. 8.55 Жаҳон халқлари ижоди. 9.25 «Циркни ҳамма севади». 10.00 «Шаҳрим куйи». Фильм-концерт премьераси («Экран»). 10.30 Болалар учун фильм. «Кичик отанинг саргузашти» (М. Горький номли киностудия). 11.35 «Хорда куйловчилар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм»). 12.25 П. И. Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал» балети. 15.20 «Катталар ва болалар». Дам олиш программаси. 16.20 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 16.50 Смоленск рус халқ оркестрининг концерти. Танаффус пайтида — Ҳужжатли фильм. 18.50 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Канададан кўрсатилади. 20.05 «Қоплон учун уй». Мультфильм. 20.15 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Дуся». 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Ҳинд киносининг мухлисларига». Икки серияли қисқа метражли фильм-концерт. 23.00 «54 ёшга тўлганимда». Телевизион бадиий фильм («Экран»). Премьера. 00.25 «Рақслар, рақслар, рақслар...» Кишиневда бал рақслари профессионал ижрочиларининг Бутуниттифоқ чемпионати.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 СССР Давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри чалади. Дирижёр — СССР халқ артисти В. Федосеев. 9.10 Ритмик гимнастика. 9.40 Ополда поляк қўшиқлари фестивали (Польша). 10.25 Синхрон сузиш. «Советская женщина» журналининг соврини учун халқаро мусобақалар. 11.10 «Оила» телепрограммаси. 12.55 Л. Гурченко бенефаси. 14.10 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот). 14.15 Баскетбол. Корач кубоги. Эркаклар. Ярим финал. 15.35 Бутунроссия конкурсининг лауреати Юрий Прохоров чалади (баян). 15.40 «Укам учун дори-дармон». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 «Нон стоп». Мультконцерт. 16.20 «Китнинг тишини қандай сугуриб олиш мумкин». Телевизион бадиий фильм. 17.50 «Дадамни қандай қилиб йўлга солса бўлади». Телевизион бадиий фильм (Чехословакия). 19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қутичадаги саёҳат». 22.20 «Нон-стоп» программасининг давоми. «Биз аёллармиз». Мультфильм; «Хушрўй йигит». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар; «Мен эъзозлаб яхши кўрадиган детектив». Телевизион бадиий фильм.

Ёш ленинчи
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03148. Д. — 23193.
Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.